

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIYFILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

3 (64)/ 2017

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand

Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим.
№3 (64), 2017.

Foreign Philology: Language, Literature, Education.
№3 (64), 2017.

Уч ойда бир марта чиқадиغان илмий-услубий журнал

Scientific-methodical journal

Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар
институту

Founder: Samarkand State Institute of Foreign
Languages

Тахрир хайъати:

Editorial Board:

ТУХТАСИНОВ Илҳомжон (раис)
САФАРОВ Шахриёр (бош муҳаррир)
АШУРОВА Дилором
АШУРОВ Шаҳобиддин
БУШУЙ Анатолий
ТУРНИЁЗОВ Неъмат
(муҳаррир ўринбосари)
РИЗАЕВ Баҳодир
ХОЛБЕКОВ Муҳаммадҷон
ИСМОИЛОВ Салоҳиддин
КИСЕЛЁВ Дмитрий
ЭШҚОБИЛОВ Абдували (масъул котиб)

TUKHTASINOV Ilhomjon (chairman)
SAFAROV Shahriyor (editor-in-chief)
ASHUROVA Dilorom
ASHUROV Shahobiddin
BUSHUY Anatoliy
TURNIYOZOV Nemat(vice editor)
RIZAYEV Bakhodir
KHOLBEKOV Mukhammadjon
ISMAILOV Salohiddin
KISELYOV Dmitriy
ESHKOBILOV Abduvali (executive secretary)

Жамоатчилик кенгаши:

БУШУЙ Татьяна
ГИЙОМ Оливье (Франция)
КИДА Цуйоши (Япония)
СИГМИЛЛЕР Стив (АҚШ)
РАҲИМОВ Сотiboldи
УСМОНОВ Ўрол
ЖИАНГ Фенг (Хитой)
РАҲИМОВ Ганишер
МИРЗАЕВ Ибодулло
КАРАСИК Владимир (Россия)

Public Council:

BUSHUY Tatyana
GUILLAUME Olivier (France)
KIDA Tsuyoshi (Japan)
SEEGMILLER Stev (USA)
RAKHIMOV Sotiboldi
USMONOV Ural
JIANG Feng (China)
RAKHIMOV Ganisher
MIRZAEV Ibodullo
KARASIK Vladimir (Russia)

Журнал Олий Аттестация комиссиясининг
филология фанлари бўйича эксперт кенгаши (2014
йил 10 мартдаги 2-сонли баённома) тавсияси билан
зарурий наشرлар рўйхатига киритилган.

The journal is included in the list of required publications
according to the recommendation of the expert council in
filological sciences of Higher Attestation Committee
(Proceeding #2 from March 10, 2014).

Тахририят манзили:

Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93, СамДЧТИ.
Телефонлар: (998-662)233-78-43;(998-662)231-13-42
Факс: (998-662) 210-00-18.
Email: ssifl_info@mail.ru

Address:

Samarkand, Bustansaray str. 93, SamSIFL.
Phone: (998-662) 233-78-43;(998-662)231-13-42
Fax: (998-662) 210-00-18
Email: ssifl_info@mail.ru

Журнал Самарқанд вилоят матбуот ва
ахборот бошқармаси томонидан № 09-12 рақам
билан рўйхатга олинган.

The journal is registered under No 09-12 by
Samarkand Regional Department of press and
information.

ISSN: 2181-743X; Индекс 1266.

ISSN: 2181-743X; Index 1266.

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

The journal has been published since 2001.



МУНДАРИЖА

МАҚОЛАЛАР

Turniyazov N., Turobov A. Til birliklarining nutqqa ko‘chirilishi masalasi bilan bog‘liq ba’zi mulohazalar.....	5
Холбеков М. Француз “Бульвар театри”.....	10
Махмудова М. Чет тилларни ўқитишнинг педагогик тамойиллари.....	24
Киселев Д. Анафорические прилагательные французского языка со значением противопоставления: семантический и функциональный аспекты.....	27
Яхшиев А. Принципы реализации текстопорождающих возможностей фразеологии в разговорной речи.....	31
Рахимов А. Номинатив фаолиятнинг лингвокогнитив асослари ҳақидаги тарихий қарашлар ҳақида.....	38
Акбаров А. Обучение языку, имитационная теория и изучение иностранного языка....	46
Қобилов У. Атойи лирикасида бадиий образ ва деталлар талқини.....	57

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Мардиев Т. Инглиз ва ўзбек тилидаги юрак концептининг вербаллашуви.....	68
Зияева С. Проблема определения степени овладения социолингвистическим аспектом языка.....	71
Шокиров Ш. Инглиз тилида “eye-кўз” семасига эга бўлган сўзларнинг семантик хусусиятлари.....	74
Хожанова У. Язык – средство общения и дисциплина изучения.....	78
Назарова Ш. Транспозиция ходисасининг воқеланиш кўламига доир.....	83
Қаршибаева У. Француз романтизмнинг шаклланишига Шарль Нодье ижодининг таъсири.....	88
Касимова А. Motivation and awareness in practice.....	93

ТАҚРИЗ

Исмаилов А. Основы взаимосвязи языка и культуры.....	95
--	----

ХОТИРА

Умарходжаев М., Бегматов М. Учёный, учитель, человек с большой буквы.....	99
Сафаров Ш., Маматқулов А., Мирсанов Ғ., Воситов В. Сотиболди Раҳимов (1943-2017).....	102
Сафаров Ш., Сиддиқова И., Жумабоева Ж. Ўткир Курбонович Юсупов (1938-2017).....	104

ТАРЖИМА

Мирзаев И., Мирзаева Д. Таржима жараёнида луғат ва маълумотномалар билан ишлаш. С.С.Толстой (Россия).....	106
---	-----



CONTENTS

REPORTS

Turniyazov N., Turobov A. Some views on issue of transition of language units into speech.....	5
Kholbekov M. French “Boulevard theatre”.....	10
Makhmudova M. Pedagogical principles in foreign language teaching.....	24
Kiselyov D. Anaphoric adjectives of opposition in French: semantic and functional aspects.....	27
Yaxshiyev A. Principles for the realization of text-generating.....	31
Rakhimov A. Formation of early linguistic outlook on linguocognitive basis of nominative activity	38
Akbarov A. Language teaching, imitation theory and foreign language learning... ..	46
Kabilov U. Interpretation of details and artistic images in the lyrics of Atai.....	57

SCIENTIFIC INFORMATIONS

Mardiev T. Verbalization the concept of “heart” in English and Uzbek languages.....	68
Ziyaeva S. Issue of definition of sociolinguistic skills acquisition level.....	71
Shokirov Sh. Semantic peculiarities of English words with "eye" component.....	74
Khodjanova U. Language as a mean of communication and study discipline.....	78
Nazarova Sh. About the transposition phenomenon.....	83
Karchibaeva U. Influence of creative Charles Nodier activity on shaping the French romanticism.....	88
Kasimova A. Amalda turtki va salohiyatni oshirish	93

REVIEWS

Ismailov A. Language and culture.....	95
--	----

MEMORIA

Umarxodjayev U., Begmatov M. Scientist, teacher, man with a capital letter	99
Safarov Sh., Mamatqulov A., Mirsanov G‘., Vositov V. Sotiboldi Raximov (1943-2017).....	102
Safarov Sh., Siddikova I., Jumaboyeva J. Utkir Kurbanovich Yusupov (1938-2017)	104

TRANSLATION

Mirzayev I., Mirzayeva D. Working with dictionaries and references in the translation process. S.Tolstoy (Russia)	106
--	-----



REPORTS

МАҚОЛАЛАР

TIL BIRLIKLARINING NUTQQA KO‘CHIRILISHI MASALASI BILAN BOG‘LIQ BA‘ZI MULOHAZALAR

Turniyazov Ne‘mat Qayumovich,
SamDCHTI professori
Turobov Abdurayim Malikovich,
SamDCHTI dotsenti

Kalit so‘zlar: *til lingvistikasi, nutq lingvistikasi, kommunikativ jarayon, sinergetika, verballash jarayoni, egotsentrik.*

XIX asr tilshunosligida tilning sistema ekanligi masalasini o‘rganishga poydevor qo‘yilgan bo‘lsa, XX asr tilshunosligida mazkur masala mukammal o‘rganildi. Bunda til sistemasining o‘ziga xos voqelik ekanligi, uning nimalardan tashkil topishi va har bir til birligining xarakterli jihatlari, ayniqsa, ikki o‘lchamliligi masalasi mukammal yoritildi. Biroq til belgilarining nutqda qo‘llanishi va bu bilan bog‘liq masalalar tadqiqi ikkinchi darajali bo‘lib qoldi. Ehtimol, shunday bo‘lishi ilmiy asoslidir. Chunki sistema haqida mukammal ma‘lumotga ega bo‘lmay turib, til belgilari (birliklari)ning kommunikativ jarayonda qay tarzda qo‘llanilishi masalasini tadqiqotlar kun tartibiga qo‘yish imkoniyati chegaralangan bo‘lishi tabiiydir.

Ammo shunday bo‘lishiga qaramay, XX asr tilshunosligida til bilan nutqni farqlab o‘rganish lozimligi masalasi tadqiqotlar kun tartibiga kiritilgan edi. Fikr dalilini mashhur tilshunos F.de Sossyurning “til va nutq” dixotomiyasida ilmiy asoslanganligida ko‘ramiz.

Aytish lozimki, F.de Sossyur tomonidan “til va nutq” dixotomiyasi ilmiy asoslangach, tilshunoslikda katta burilish sodir bo‘ldi. Zotan, asrlar davomida til va nutq muammolari qorishtirilib kelinar edi. Hatto hozirgi kunda ham ba‘zi tadqiqotchilar til hamda nutq hodisalarini farqlamayptilar. Bizningcha, bugungi kunda til lingvistikasi va nutq lingvistikasi alohida sohalar sifatida ilmiy dalillangan ekan, bunga to‘liq amal qilishimiz lozim.

Mazkur masala ham F.de Sossyur nomi bilan haqli ravishda bog‘lanadi. Olim Jeneva universiteti talabalariga ma‘ruza o‘qishi paytida quyidagilarni alohida ta‘kidlagan edi: “Да, господа, всегужелингвистику. Только, осмелюсь вам сказать, область, которой занимается, лингвистика весьма обширна. А именно она состоит из двух частей: одна часть ближе к языку и представляет собой пассивный запас; другая же часть ближе к речи и представляет собой активную силу...”¹.

Ko‘rinadiki, F.de Sossyur hali, o‘z davrida bashorat qilib tilshunoslikni ikki qismga – til lingvistikasi va nutq lingvistikasiga bo‘lib o‘rganish lozimligini aytgan edi. Albatta, tilshunoslik fani taraqqiyotining hozirgi davriga qadar til lingvistikasi muammolari mukammal o‘rganildi. Ammo nutq lingvistikasining ilmiy asoslanganligi endigina tan olindi va unga hayotga yo‘llanma berildi. Bu juda muhimdir, zotan, ayni paytda tashqi tilshunoslik muammolari ham tadqiqotlarimizga kirib keldiki, bu orqali inson omili ham eng kuchli kognitiv-pragmatik vosita sifatida faoliyat ko‘rsata boshladi. Shu bois XXI asr tilshunosligi antroposentrik ekanligi alohida ta‘kidlanmoqda.

Aslini olganda, tilshunoslikda antroposentrik yo‘nalish o‘tgan asrning 70-yillarida tadqiqotlar kun tartibiga kirib kela boshlagan edi. Buning dalili sifatida fransuz tilshunosi E.Benvenistning “Umumiy

¹ Соссюр Ф.де. Заметки по общей лингвистике.- М.,1990.-С.206.



tilshunoslik” asarining bir bo‘limi “Inson va til” (“Человек-языке”) deb atalganligini ko‘rsatish mumkin. E.Benvenist inson va til haqida mulohaza yuritganida quyidagilarni mutlaqo to‘g‘ri qayd etadi: “Именно в языке и благодаря языку человек конституируется как субъект, ибо только язык придаёт реальность, своюреальность, которая есть свойствабыть – понятию “Его” – моё я”².

To‘g‘ri, yuqorida ko‘rsatib o‘tilgani kabi, qariyb hozirgacha til va uning qo‘llanilishida, taraqqiyotida inson omili masalasiga jiddiy e‘tibor berilmadi. Biroq, bizningcha, buni nisbiy tushunmoq darkor. Chunki V.fon Humboldt tadqiqotlarida, qolaversa, tilning falsafiy masalalarini o‘rganishda inson omili masalasi tadqiqotlar kun tartibiga qo‘yilganligi izoh talab qilmaydi. Til va tafakkur birligi masalasi esa tilshunoslarimizning har doim diqqat markazida bo‘lib keldi va shunday bo‘lib qolmoqda. Bugungi kunda dolzarb sanalayotgan kognitiv tilshunoslik muammolari ham falsafada bilish nazariyasi nomi bilan azaldan o‘rganilib kelinmoqda. Bugungi tilshunoslikda uning lingvistik maqom olganliginigina yangilik deyish mumkin.

Shuni ham aytish kerakki, kognitiv tilshunoslik o‘rganadigan barcha masalalar til unsurlarining mazmuniy jihatlarini taqozo etadi. Bundan tashqari, bunday masalalar tashqi tilshunoslikda tekshiriladigan obyektlarni o‘z ichiga oladi. Boshqacha aytganda, kognitiv tilshunoslik sistema, uning voqelanishi, sistema birliklarining ichki bog‘lanishi, ularning tildan nutqqa ko‘chirilishi va h.k.kabi masalalar bilan shug‘ullanmaydi. Kognitiv tilshunoslikning asosiy tekshiruv obyekti, bizningcha, tilning kommunikativ funksiyasi bilan uzviy bog‘lanadi. Shu bois E.A.Popovaning kognitiv tilshunoslik – bu til bilan inson omilining munosabatini o‘rganuvchi yagona soha emasligi haqidagi fikriga qo‘shilamiz. Uning bu xususda bildirgan quyidagi mulohazalari ham ibratlidir: “...antropologik

epitet tilning hozirgi paradigmasini o‘rganishda eng qulay va to‘g‘ri tushunchadir. Zotan, bu orqali nafaqat tilning kognitiv xususiyatini, balki uning funksional-kommunikativ jihatlarini tadqiq etish ham mumkin”³.

Bugungi tilshunoslikda kommunikativ jarayonning asosiy birligi sifatida matn ko‘rsatilmoqda, zero, unda tilning barcha birliklari kesishadi. Biroq matn jumladan tashkil topadi. Albatta, keng ma‘noda tilning nutqda qo‘llanilishini matnda qayd etamiz. Ammo shuni ham aytish kerakki, tilning individual qo‘llanilishi jumlar orqali sodir bo‘ladi. Shu bois jumlaning kommunikativ jarayonning asosiy va minimal birligi sifatida talqin etish maqsadga muvofiqdir. Zamonaviy tilshunoslikda muloqot birligini diskurs deb atashmoqdalar. Jumla esa aksariyat hollarda ana shu narsaning o‘zini taqozo etadi.

E.Benvenist biz tildan foydalan-ganimizda muhim vosita sanaluvchi individual akt eng avval so‘zlovchini nutqiy jarayon parametri sifatida faollashtirishini ta’kidlaydi. Bunda jumla (gap) shakllanmaguncha til o‘ziga xos imkoniyat tarzida mavjud bo‘lishini, nutqiy jarayon boshlangandan keyin esa insonga tovushlar orqali faoliyat ko‘rsatishi uchun sharoit yaratuvchi faol vositaga aylanishini alohida qayd etadi⁴. Bizningcha ham, ana shu jarayonda so‘zlovchining pragmatik faolligi boshlanadi va har bir jumla uchun zarur bo‘lgan til birliklarining tildan nutqqa ko‘chirilishi bosqichma-bosqich sodir bo‘la boshlaydi. Boshqacha aytganda, ayni paytda til birliklaridan nutqda foydalanishning induktiv usulu faollik ko‘rsatadi va bunung natijasida matn shakllanadi. Pragmatik nuqtai nazardan bu o‘rinda so‘zlovchining illokutiv rejasi amalga oshadi.

Albatta, mazkur hodisalarning barchasi kommunikativ jarayon bilan uzviy bog‘lanadi, zero, ayni paytda so‘zlovchi (inson omili) muhim vazifa bajaradi. U.L.Cheyf bunda

³ Попова Е.А. Человек как основополагающая величина современного языкознания// Филологические науки, 2002 №3.-С 71.

⁴Қаранг: Бенвенист Э. Кўрсатилган асар, 313-бет.

² Бенвенист Э. Общая лингвистика.-М.,1974.-С.293.



soʻzlovchi va tinglovchining psixologik holati ham ahamiyat kasb etishini taʼkidlaydi. Uning fikriga koʻra, tafakkur bilan bogʻliq boʻlgan semantik strukturalar inson miyasida fonologik strukturalarga aylanadi va shu orqali lingvistikaning tafakkur jarayoni bilan uzviy aloqasi vujudga keladi. Har qanday til hodisasini ham inson tafakkuri bilan hisoblashmay tadqiq etish qiyin⁵.

Koʻrinadiki, U.A.Cheyfning lingvistik qarashlarida asosiy eʼtibor tilni intuitiv, yaʼni xususiy bilimlarga asoslangan holda oʻrganishga qaratiladi. Biroq olimning bu qarashlari, nazarimizda, umumiy masalaning faqat bir tomonini tashkil etadi. Zotan, lingvistik tadqiqot tilni kollektiv bilish masalasi bilan aloqador aksariyat muammolar shu tilda soʻzlashuvchi ommaning bilish salohiyati bilan ham uzviylik tashkil etadi⁶.

Biroq U.L.Cheyfning kommunikativ jarayon qatnashchilari har doim tildan tashqari muhit bilan bogʻliq ekanligi va buning tildan nutqda foydalanishda muhim ahamiyat kasb etishi haqidagi mulohazalari ibratlidir⁷. Chunki til birliklarining funksional faollashuvi pragmatik omillar qurshovida roʻy beradi. Bunda, ayniqsa nutq muhiti muhim rol oʻynaydi. Fikr dalilini muayyan til birligining qoʻllanilishi bir til muhitida mumkin boʻlib, ikkinchi muhitda inkor etilishida kuzatish mumkin. Bu jarayonda, albatta, kontekst katta nufuzga ega boʻladi. E.V.Paduchayevaning qayd etishiga koʻra, koʻpgina soʻzlar oʻzlaricha mustaqil maʼno anglatolmaydi. Kontekstdan tashqari, jumlada (gapda) qoʻllanilgan soʻz yakka boʻlishiga qaramay, jumlaning umumiy mazmuni mazkur soʻzlar anglatgan maʼnodan kelib chiqmasligi ham mumkin⁸. Masala tavsifining bunday qoʻllanilishi esa har bir soʻz (yoxud til birligi) faqat kontekstda, sintagmatik qator zanjirida

muayyan funktsiya bajarishi va muayyan maʼno anglatishidan dalolat beradi.

Shuni ham aytish lozimki, til birliklarining sintagmatik qatorda qoʻllanilishi jarayonida funksional qiymat kasb etishini til materiali tahliliga system-struktur nuqtai nazardan yondashilganda, yanada mukammal va aniqroq kuzatish mumkin. Boshqacha aytganda: “Nutqiy faoliyatni va u bilan bogʻliq muammolarni tadqiq etishda masala tavsifiga sistem nuqtai nazardan yondashish eng ishonchli vosita sanaladi”⁹. E.V.Ponomarenko bu xususda mulohaza yuritganda yana quyidagilarni toʻgʻri taʼkidlaydi: “Til oʻz birliklari bir-biri bilan uzviy munosabatda boʻlgan funksional sistemadir”¹⁰.

Til sistemasini ikki xil tushunish mumkin: 1. Metodologik tamoyil sifatida. 2. Tilning immanent (tashqi taʼsirlardan holi) xususiyati tarzida. Albatta, mazkur tushunchalar oʻzaro bogʻliq boʻlib, biri ikkinchisi mavjud boʻlishini taqozo etadi. Ammo til birliklarining funksional qiymat kasb etishini oʻrganishda ulardan ikkinchisi muhim ahamiyat kasb etadi. Buning asosiy boisi shundaki, til sistemasini (ichki immanent harakterli sistema nazarda tutilmoqda) sinergetik kuchga egadir. Agar sinergetikani oʻz-oʻzini boshqarish deb tushunadigan boʻlsak, u holda til sistemasining bunday sifatga ega ekanligi izoh talab qilmaydi.

Ayni paytda biz *til sistemasini* tushunchasiga urgʻu bermoqdami, ammo bu bilan nutqning ham murakkab sistema ekanligini inkor etmoqchi emasmiz. Shubhasiz, nutq ana shu sinergetik kuch qurshovida faoliyat koʻrsatadi. Bu jarayonga inson omili ishtiroki boʻlishi muqarrardir. Lekin, shu bilan birga, nutqning ham faqat oʻzigagina tegishli jihatlari mavjudki, ularning funksional faollik olishi sinergetik omillarga tayanadi.

“Sinergetika” termini aslida yunoncha boʻlib, u oʻzaro munosabat bogʻlash

⁵Қаранг: Чейф У.Л. Значения и структура языка.- М., 1975.- С.47.

⁶Қаранг: Лабов У. О механизме языковых изменений// Новое в лингвистике. Вып.7.-М., 1975.- С.199.

⁷Қаранг:Чейф У.Л. Кўрсатилган асар, 47-бет.

⁸Қаранг: Падучаева Е.В. О семантике синтаксиса. – М., 1974.-С.12.

⁹ Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологические науки, 2004, №5.-С.24.

¹⁰Ўша мақола, 26-бет.



ma'nosini anglatadi. Mazkur terminni dastlab nemis fizigi G.Xaken iste'molga kiritgan edi. Olim ayni paytda lazer nurlarining o'z-o'zini boshqarishini tushungan. Tilshunoslikda ham bu termin shu ma'noda qo'llanilmoqda¹¹.

Til birliklarining nutqqa ko'chirilishi jarayonida mazkur tushuncha eng faol vositaga aylanadi. Chunki nutq zanjirining bekor ko'st tashkil etilishida til birliklarining ketma-ket qo'llanilishi, birining sintaktik faollashuvi ikkinchisi bilan bog'liq bo'lishi ana shundan dalolat beradi. Zotan, "Sinergiya" tushunchasining o'zi ham kuchlarning qorishuvi degan ma'noni anglatadi¹².

Darhaqiqat, til birliklarining nutqqa ko'chirilishi jarayonida fonologik birliklar morfemalar bilan, morfematik birliklar so'zlar bilan o'zaro kesishadi va bu orqali ularning funksional qiymatlari belgilanadi. Shubhasiz, mazkur jarayonda so'zlovchining (inson omilining) ham mavqei kattadir. Chunki u o'zining diskursiv faoliyatida doimiy ravishda til birliklarini tanlash bilan mashg'ul bo'ladi¹³. Boshqacha aytganda, inson omili vositasida muloqot shakllanar ekan, til birliklarining nafaqat nutqda qo'llanilishi, balki ularning muayyan funksional salmoq kasb etishi ham u bilan bevosita aloqadordir.

Shuni ham aytish lozimki, funksional tilshunoslikning bosh tezisi grammatikaning kommunikativ va kognitiv jarayonga bo'ysunishini taqozo etadi¹⁴. Bununng boisi shundaki, kommunikativ jarayonning qay tarzda shakllanishi insonning bilimlari darajasi bilan uzviy aloqador holda ro'y beradi. Bu esa, o'z navbatida, til birliklarining

amalda qo'llanilishini talab qiladi. Bu o'rinda, xususan, nutq shakllanishining verballashtirilishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Verballash jarayoni ham o'ziga xos jihatlarga ega bo'lib, bunda so'zlovchining (umuman insonning) tafakkuri bilan ongi va bir paytning o'zida til bilan nutq birliklari o'zaro kesishadi. S.D.Katsnelsonning qayd etishiga ko'ra, tafakkur bilan ong o'rtasidagi munosabatni nutq bilan til o'rtasidagi munosabatga qiyos qilish mumkin. Biz nutqiy jarayonda til birliklaridan bevosita ongimiz ishtirokida foydalanamiz. Inson miyasida ong bilan til nisbiy avtonom holatda bo'lgan ikki jihatni tashkil etadi. Bu jihatlarning har biri o'z vositalariga va ularni faollashtirish omillariga ega bo'lib, ular tilning amalda qo'llanilishi va funksional qiymat kasb etishida o'zaro qorishadi¹⁵.

Shuni ham aytish kerakki, kommunikativ jarayonda so'zlovchining ishtirok etishi, ya'ni uning egosentrik mavqei izoh talab qilmaydi. Biroq til birliklarining amalda qo'llanilishi har doim ham so'zlovchining eksplitsit nutqi bilan emas, balki so'zlovchi ishtirokining implitsit holati bilan ham berilishi mumkin. Masalan, *Sobirni ko'rdim* va *Daryo qirg'og'i toshloq edi* jumllariga e'tibor beraylik. Ayni paytda birinchi jumlaning shakllanishida so'zlovchining egosentrik mavqei yuqori ekanligi izoh talab qilmaydi. Chunki u shaxsan o'zi Sobirni ko'rganligi haqida xabar bermoqda. Bu holat ifodasi uning faqat o'ziga tegishlidir. Ammo ikkinchi jumla so'zlovchining faoliyati qandaydir implitsit yo'nalish olgandek xabar ifodasini bermoqda. Bu o'rinda nafaqat bir kishi, balki barcha kishilar daryo qirg'og'ining toshloq ekanligini tasdiqlashlari mumkin. Masala tavsifiga funksional nuqtai nazardan yondashadigan bo'lsak, ayni paytda berilgan gaplarning birinchisida so'zlovchining egosentrik holati kuchli ekanligini ko'ramiz.

Har qanday gapning sintaktik shakllanishi, albatta, kommunikativ jarayon talabi bilan bog'liq bo'ladi. Boshqacha

¹¹Пономаренко Е.В. Курсатилган мақола, 24-бет.

¹²Қаранг: Хакен Г. Синергетика. -М., 1980.

¹³Қаранг: Ли В.С. О системных отношениях между структурно-смысловыми компонентами дискурса // Русский язык: исторические судьбы и современность. Материалы II международного конгресса исследователей русского языка. -М., 2004 (Материал интернета).

¹⁴Қаранг: Лазуткина Е.М. Дискурс как когнитивный аспект коммуникации (на матер. соматических речений) // Русский язык: исторические судьбы и современность. Материалы II международного конгресса исследователей русского языка. -М., 2004 (Материал интернета).

¹⁵Қаранг: Кашнельсон С.Д. Речемыслительные процессы // Вопросы языкознания, 1984, №4. -С.4.



aytgnanda, nafaqat gapning shakllanishi, balki gap komponentlarining funktsional faolligi darajasi ham ularning kommunikativ vazifalari orqali belgilanadi va bunda, soʻzsiz, soʻzlovchining ham ahamiyati muhim boʻladi.

Zotan, nutqiy jarayon soʻzlovchi va tinglovchi oʻrtasidagi fikr almashinuvi vositasida shakllanadi.

Turniyazov N. Some views about issues in translation of language units in speech. This article denotes to the issues of syntactical arrange of sentences as well as characteristics of peculiarity of each language unit and eventfulness of language system.

Турниёзов Н. Некоторые соображения по вопросу перехода языковых единиц в речь. В статье освещены вопросы синтаксического оформления предложения, а также характерная для языковой системы событийность, из чего она состоит и характерные особенности каждой языковой единицы, освещены вопросы двуразмерности.



ФРАНЦУЗ “БУЛЬВАР ТЕАТРИ”

*Холбеков Муҳаммаджон,
ЖизДПИ филология фанлари доктори, профессор*

Калит сўзлар: *Бульвар театри, комедия персонажлари, драматург, пьесалар сюжети, тарихий декорация.*

“Бульвар театри” истилоҳининг ўзини икки маънода тушуниш мумкин: биринчиси у соф жўғрофий ёки, аниқроғи, худудий тушунчани, яъни Париж Катта Бульварларида жойлашган театр майдонларини англатса, иккинчиси, “бульвар театрлари” ўз қонун-қоидаларига эга бўлган хусусий тижорат ташкилотларидек иш юритади. “Бульвар театри”нинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш унчалик мушкул эмас. Шубҳасиз, унда устувор ўринни комедия эгаллайди. Истисно тариқасида бу, замонавий, аксарият ҳолларда бир хил тоифадаги муаллифлар асарларидан иборатдир. Номлар доираси ғоятда тор. Ўн-ўн беш драматург ўн йиллар давомида репертуарни шакллантиришади ва унда сарлавҳаларнинг ўзгартирилиши жуда кам ҳолларда мавзулар ва ҳатто вазиятлар ўзгарганлигидан дарак беради. Мавзу доираси янада тор ва маҳдуддир: замонавий буржуа жамиятининг ўртача, анчайин ўзига тўқ ёки бой табақасига мансуб эр-хотинлар, оталар ва фарзандлар, дўстлар билан танишлар орасидаги ҳар турли зиддиятлар ҳавас қилгулик уддабуронлик билан ранг-баранг кўринишларда намоиш этилади. Бульвар комедиясининг энг барқарор компонентларидан бири комиклик ҳамда киноявийлик учун кенг имкониятлар яратадиган хиёнат вазиятидир. Комик вазиятларга тушиб қоладиган персонажларнинг киноявий-кулгили тасвири томошабинларга хушчақчақлик бахш этиш, ўзларига монандларга шу қадар киноявий, шу қадар мурувватли муносабатни келтириб чиқаришга қаратилади. Мутлақ кўпчилик бу турдаги асарлар онгли тарзда ўткир ижтимоий, сиёсий ёки фалсафий муаммоларнинг

саҳнавий талқинини рад этган ва уларга аралашидан қочган ҳолда гўё ҳаққоний ҳаётга юзаки қарайди.

Бироқ хиёбонларда кўйилаётган, энг катта қисмини кўнгилочар пьесалар ташкил этувчи комедиялар оқимида ўзгача хусусиятдаги бир йўналиш мавжуд. Яъни бугунги замонавий жамият муаммолари бирмунча “сийқалашган кўринишда” намоиш этилса-да, нафақат шу жамият ҳаётини тасвирловчи, балки унинг оғриқли нуқталарини топишга интилувчи асарлар ҳам пайдо бўлиб туради. “Яхши ёзилган пьеса”нинг кучи ва жозибасини ташкил этадиган барча тушунчалар - комедия жанри қонунларини мукамал билган, комик вазият, мураккаб сюжет чизигини, ҳозиржавоб жўшқин диалоглар яратиш қобилиятига эга бундай асарлар муаллифлари тийиқсиз хушу хуррам “бульвар комедияси”га хос бўлмаган ғам-андухни ҳам, шубҳа-гумонларни ҳам, афсус-надоматни ҳам киритарканлар, жанр чегараларини кенгайтиргандек бўлишади. Бугунги буржуа жамиятининг ахлоқий зиддиятлари манзараси уларда кенгрок кўламда намоён бўлади, турли-туман оттенкалар ва нозик хусусиятлар билан бойийди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида яратилган Ж. Ануй, Ф. Саган, Ф. Дорен ва И. Жамаик каби ижодкорларнинг энг яхши драматик асарлари “Бульвар театрлари”нинг айнан шу тенденцияси билан боғлиқ.

Жан Ануй (Jean Anouilh) – театр одами, унинг бутун ижоди театр билан боғлиқ.¹⁶ У навқирон ёшида, ўтган асрнинг 20-йиллари машҳур режиссёр Луи

¹⁶ Ж. Ануй ижоди ҳақида батафсил Л.А. Зонинанинг Жан Ануй. Пьесалар. (М.: Искусство, 1969) китобига ёзган сўнгсўзига қаранг.



Жувенинг котиби бўлиб ўз фаолиятини бошлайди. 1932 йил “Оксувар” (L’Hermine) пьесаси билан драматург сифатида адабиёт майдонига қадам қўяди. Адибнинг ушбу асари “Эвр” театрида сахналаштирилиб муваффақият қозонади ва муаллифга шуҳрат келтиради. Ярим аср мобайнида Ануй санаб ўтилишининг ўзи кўплаб саҳифани эгаллайдиган миқдорда пьесалар ёзди. Муаллифнинг ўзи уларни мавзулари ва вақтига қараб гуруҳлайди ҳамда тўпламларга пурмаъно номлар беради: “Пуштиранг пьесалар” (Pièces roses), “Қора пьесалар” (Pièces noires), “Янги қора пьесалар” (Nouvelles pièces noires), “Ғижирловчи пьесалар” (Pièces grin cante), “Либосли пьесалар” (Pièces costumes) ва ҳоказо. У ўз пьесаларида, антик, тарихий сюжетлардан фойдаланди, лекин шу билан бирга ўз замонасининг долзарб масалаларига ҳам ҳозиржавоблик билан ёндашади. 30-40-йиллардаги энг яхши пьесаларининг яққол ифодаланган аксилбуржуалиги, босиб олинган Парижда сахналаштирилиши фашизмга қарши даъватдек жаранглаган “Антигона”си (Antigone, 1943), урушдан кейинги оғир йилларда французларнинг миллий ғурурини ёдга солувчи Жанна д’Арк ҳақидаги “Тўрғай” (L’Alouette, 1953) пьесалари Ануйни Франция театр санъатининг энг обрўли сиймолари қаторига кўтарди. Унинг номини Жан Жироду, Жан-Пол Сартр, Альбер Камюлар билан бир қаторда келтирадиган бўлишди.

Аммо XX асрнинг 50-йиллари охирларига келиб, драматургнинг “Бульвар театри”га мойиллиги яққолроқ намоён бўла бошлайди. Мунаққидлардан бири таъкидлаб ўтганидек: “Ҳаёт ўз ҳақини янада қатъийроқ талаб қилмоқда ва Ануйнинг умидсизлиги ўсиб бормоқда”.¹⁷ Мунофиқлик ва бойлик дунёсига қарши туриш имкониятига ишончини йўқотган драматург шундай қаршилик заруратининг ўзини ҳам шубҳа остига қўяди. Инсонга умидсизлик муносабати сўнгги йиллар

Ануй ижодида “исёнқорона” кайфиятда бўлган қаҳрамонлар устидан заҳарханда кулгуни келтириб чиқаради. Бугунги Ануй ўзларига юксак ғоялар ва интилишлар юқини олмаган ҳолда “ўйин қоидалари”га риоя қила биладиган кишиларга нисбатан мурувватлидир. 60-80-йилларда яратилган пьесалар борасида танқидчилар Ануй ўз томошабинларини қандай кулдириши, уларга завқ бағишлаши (томошабин куляпти, бу эса энг муҳими), драматург маҳоратини мукамалликка етқизгани (айнан “métier” сўзи қўлланади), комедия жанри қонунларининг моҳир билимдонлиги ҳамда сахна сирларини чуқур билиши унга аввалгидек ёрдам бераётгани хусусида гапиришарди, холос. Театр бўйича кейинги маълумотнома нашрларидан бири Ануйга шундай тавсиф беради: “Пьесалар яратувчи Жан Ануйда ҳунарманднинг маҳорати ва хотиржамлик аломатини кўрамиз. Унинг мустаҳкам, юксак маҳорат билан ёзилган асарлари, тасаввур йўқлиги ҳолатида, ишончли техникани намойиш этади”.¹⁸ Қаҳрамони ўз киндигини томоша қилишдан бошқа ташвишни билмайдиган “Киндик” (Le Nombri1,1981) комедияси муносабати билан мунаққидлар Ануйнинг “дунёқараши” ҳам айни пайтда шундан иборатлиги тўғрисида пичинг қилишдан ўзларини тия олишмади.

Ўз ижод йўлининг дастлабки йигирма йилида Жан Ануй Жорж Питоев ва Андре Барсак, Гастон Бати ва Жан-Луи Барро сингари машҳур француз режиссёрлари билан ҳамкорлик қилди. Сўнгги йилларда у ўз пьесаларини ўзи сахналаштира бошлади ва бу умуман “Бульвар театри” учун ўзига хосдир. Унда режиссёрнинг роли оддий “актёрларни тарқатувчи” даражасига туширилган (худди ўтган асрлардаги “режиссёрликкача даврда” бўлганидек), бу режиссёрлар номлари деярли маълум эмас, спектаклларга тақризларда ҳам аксарият ҳолларда тилга олинмайди. Театрни ичидан билишнинг

¹⁷. Simon A. Dictionnaire du Théâtre français contemporain. P., 1970. p.68

¹⁸. Encyclopedie du monde actuel. Le Theatre. P., 1976. p. 49



кўп йиллик тажрибаси Ануй томонидан 60-70-йиллар сарҳадида ёзилган театр тўғрисидаги туркум пьесаларнинг сюжетида ҳам ўз аксини топади.¹⁹ Таъкидлаш жоизки, омма севган сиймоларнинг шахсий ҳаёти, парда ортидаги сирлар хамиша “Бульвар театри”нинг севимли воқеалари бўлган. Истеъдод даражаси ва драматург ўз олдига кўядиган вазифаларга боғлиқ ҳолда сахнада ёки кулф тешигидан пойланган манзаралар, ёки актёрлик касби, театрнинг сеҳрли кучи хусусидаги ҳаққоний ва иштиёқли суҳбат гавдаланади. Ануйнинг “театрга оид комедиялари”да шу турларнинг исталганини учратиш мумкин.

Санъат кишилари олдинлари ҳам кўп ҳолларда Ануй пьесаларининг иккинчи даражали персонажлари бўлишган. Баъзида айнан ўшалар, пасткаш ва таъмагир, ночор ва тиришқоқ, на истеъдод, на илҳомга эга кишилар, яъни ёш қахрамонлар кутулиб чиқишга беҳуда уринаётган муҳитни намоён этадилар. “Ёввойи қиз” (La Sauvage, 1934) ва “Эвридика” (Eurydice, 1941)да, “Репетиция ёхуд жазоланган муҳаббат” (La Repetition, ou l’Amour puni, 1949) да, “Коломба” (Colombe, 1954)да бунини кўриш мумкин. 50-йилларнинг ўрталаридан улар иккинчи даражалиликдан кўтарилиб, пешсаҳнага чиқишди. “Орнифль ёки Елвизак” комедиясининг қахрамони пасткаш ва сурбет Орнифль анчагина дилбарлик ва жозибага эга тасвирланган. У ўз истеъдодининг ҳеч қандай қўлланувидан ҳазар қилмасдан уддабуронлик ила фойда ҳисобига ўз донжуанлиги билан мактанганча ялло қилиб яшайди. Танқид яқдиллик билан мольерона Дон Жуаннинг тубанлаштирилган, “бульвар” вариантини кўрган айнан ана шу образ артистлик маҳорати ва иқтидори буржуавийлик ва майдакашлик билан ажойиб тарзда муроса қиладиган, худбинлиги, ўзидан завқланиши уларни оханрабодай ўзига тортадиган кишиларнинг дилини

оғритадиган образлар галереясини очиб берди. Ушбу галереяда “барокко” пьесаларидан “Қизил балиқчалар” (Les Poissons rouges, 1970), “Хонимни уйғотманг” (Ne reveillez pas madame, 1970), “Опера директори” (Le directeur de l’Opera, 1972) кабилар ҳам ўрин олган. Машхур драматург Антуан де Сен-Флур (“Қадрли Антуан ёки Бахтсиз севги”, Cher Antoine ou l’amourgaté 1969)нинг сиймоси улардан бирмунча бошқачароқ тасвири билан алоҳида ажралиб туради.

Бош қахрамонининг исми²⁰ сарлавҳага чиқарилган ушбу пьеса, гарчи аниқ фактлар ва воқеаларни эмас, балки муаллиф ижоднинг муҳим жиҳатлари устидаги мулоҳазалари назарда тутилса, ўзида талай таржимаи ҳолга оид қирраларни мужассам этганини кузатамиз. Эҳтимол, драматургнинг иқрори билан образ шундай кўриниши мумкин. Мазкур комедиясида ҳам Ануй аввалгидек инсоний иллатларни ўткир ва аёвсиз сатира остига олади. Унда ҳам қизиқарли вазиятлар ҳамда Антуаннинг сўнгги истагига кўра Бавария хилват гўшасида йиғилишган унинг рафиқаси ва жазманлари, дўсти ва рақиби, ўз тақризларида заҳарли пайконларни аямай сочган мунаққид ўзаро олиб борадиган истеҳзоли диалоглар кўп. Аммо пьесанинг моҳият-маъноси уларнинг анчайин қизиқарли муносабатларида эмас. Қисмати ва ҳаётий мазмуни, ҳар кунги машғулоти ўзгалар тақдирини тўқиб чиқарувчи инсон ҳақида; қайси дунё – ҳаёт ёки театр – бу пьеса унинг учун ҳаққонийроқ эканлигини аниқ айта олиши мушкул инсон ҳақида ёзилган – ижод машаққатлари тўғрисидадир. Унда адабий реминисценциялар талайгина. Келтирилган вазиятнинг ўзи – кишилар марҳум васиятини эшитиш учун бир жойга тўпланишади – васият эса шу қадар

¹⁹ Улардан энг аҳамиятлилари “Барокко пьесалари” (Pièces baroque, 1974) тўпламига кирган.

²⁰ Ҳеч бир замонавий француз драматургига ўхшамаган ҳолда Жан Ануй ушбу усулдан, айниқса, ижодининг дастлабки даврларида, гўё томошабинни уларнинг эътибори марказида кимнинг тақдири бўлишидан олдиндан огоҳлантиргандек жуда кўп фойдаланарди. – М.Х.



сийқаси чиққан ва эскирганки, бировни кизиқтириши даргумон. Аммо, томошабинга шундай тугунни таклиф этиб, Ануй сюжетни ғоят кутилмаган тарзда буриб юборади: кўз ўнгимизда Антуан де Сен-Флурнинг охириги спектаклидан парча намоён бўлиб, уни сахналаштириш учун драматург Баварияга (пойтахт беҳаловатлигидан шу ерга келганди) Париждан энг яхши актёрларни чақиртирганди. “Театр ичида театр” усулидан шундай кутилмаган тарзда фойдаланаркан, Ануй ўзига маълум кишиларнинг муайян вазиятларда ўзларини қандай тутишларини олдиндан била олган, балки уларнинг жумлаларини сўзма-сўз башорат қила билган драматург зийраклигидан ҳайратланиш имкониятини яратади. Бу театрнинг ҳар нарсага кодирлигини билдирадими?

Ёлғизлик исканжасини борган сари ўткирроқ ҳис этгани сабабли Антуан ўзи ҳам драматург, ҳам режиссёр, ҳам якка томошабин бўлган ўз спектаклини ўйлаб топгани намоён бўлади. Антуан учун ўз қаллиғидан воз кечган бавариялик қиз қаллиғи ёнига қайтишга қарор қилади. У Антуан кўниккан, ўйлаб топилган, нореал ҳаётда яшолмайди. “У кучли ва содда инсон, – дейди қиз қаллиғи ҳақида. – У мени ҳақиқий нарсалар билан ўрайди, эҳтимол, биров униққан, лекин ҳақиқий... У менга ҳақиқий бола ҳадя этади ва мен немис деҳқон аёлига жоиз бўлганидек ҳақиқий уйда хўжалик юритаман”²¹. Эҳтимол бу Антуаннинг нафис интилиши ёнида мешчанлик бўлиб кўринар, аммо равшанки, жўн ва тўғри турмуш ўйлаб топилган ҳаётдан устун келади. Реминисценциялар шу ерда ҳам мавжуд: кексайиб қолган Антуан билан ёш қиз муҳаббати, у ўлгандан кейин келишган қонуний меросхўрларнинг унга душманона муносабати Гауптманнинг “Кун ботиши олдида” драмасига ўхшаб

кетади. Тўғри, Ануйда ушбу муҳаббат бахтсизликка йўғрилган.²²

Бу ерда Пиранделлонинг “Олти персонаж муаллифни қидириб” (*Sei personaggi incerca d'autre*, 1921) номли машҳур пьесасига ўхшашлик ҳам сезилади. Умуман олганда, ҳис-туйғуларнинг алоҳида театроналигида (театроналик баландпарвозлик синоними сифатида эмас, балки ўйиннинг, ростакамига эмасликнинг зарурий унсури маъносидан), алоҳида вазиятлар ва инсоний муносабатларнинг турли томонларини ҳар хил тоналликда ўйнатишда, юз бераётганнинг ноҳаққонийлиги муҳитида – гўё қаршимизда кўп маротаба кўзгулар қаторида такрорланган совуқ акслар тургандек – Пиранделлога ўзига хос таклид намоён бўлади. Аммо Ануй пьесасида илк адабий манбага тўғридан-тўғри ишора ҳам бор.

Антуан де Сен-Флур хотирасига ёдгорлик лавҳаси очилишидан сўнг, бу ўлкага махсус ташриф буюрган француз консули республика президенти номидан машҳур драматург вафотидан сўнг Фахрий легион ордени билан тақдирланганини эълон қилгач, ҳамма уйни тарк этади. Дераза эшикларини миҳлаб ташлаётганлари эшитилиб туради. Нотариус Эстеллга чеховча “Олчазор” якуни Антуанни кўп йиллар таъқиб этгани ва у ўлимидан кейин деразалар билан эшикларни миҳлаб ташлашни васият қилганини гапиради. Бир куни у хитоб қилганди: “Бу ўта ахлоқона иш! Қаранг-а, ўша нусха шунақанги якунни мендан олдин топган. Уни ҳеч қачон такрорлай олмайман, ҳамма билиб қолади. Ундан яна фойдаланиш имконини берадиган бирор ҳийла ўйлаб топишнинг иложини қилсам”. Антуан де Сен-Флур, “Бульвар театри”нинг тан олинган устаси даҳо рус ёзувчисининг кашфиётини ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлиш учунгина ўлишга рози

²¹ Қаранг.: Антуан ва ёш қиз диалоги. *Comedie...M.*, 1986. С.86.

²² “Қадрли Антуан ёхуд Бахтсиз муҳаббат” номи Ануйнинг бошқа пьесаси “Репетиция ёхуд Жазоланган муҳаббат” асарининг номига ўхшаб кетади. – М.Х.



бўлмадимикан? Театр билан ҳаёт муштарак бўлганда, театр ҳаётдан ҳаққонийроқ бўлганида бундай ечим ҳаддан ташқари ғайриодатий туюлмасди.

“Қадрли Антуан” шундан далолат берадики, “Бульвар театри” драматургияга ҳам ижод машаққатлари хосдир, баъзида у ўз ижоди намуналарининг такрорийлиги ва юксак намуналарга эришолмаслигини англаб етади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги француз адабиётида энг катта шов-шувли ҳодиса бўлган Франсуаза Саган адабий фаолиятининг бошланиши ўз-ўзидан “Бульвар театри” учун анчагина жозибали сюжет бўлиши мумкин эди. 1954 йилги адабий танқид бош мукофотини Саганнинг “Салом, қайғу!” (Bonjour, tristesse) романи олди. Ўқувчининг ҳайратини роман муаллифи 1953 йилдаги уч ҳафталик ёзги таътилда асарни ёзиб битирган ўн саккиз ёшли нотаниш қиз бўлиб чиқади. Газета ва журналлар саҳифасида унинг суратлари босилди, бунинг бари фирибгарлик эмасмикан маъносидаги шубҳали ва таҳсинли тақризлар пайдо бўлди.²³ 1956 йилда нашрдан чиққан “Изтиробли табассум” ва 1957 йилда дунё юзини кўрган “Бир ойу бир йилдан сўнг” асарлари ҳеч шубҳасиз адабий истеъдод туғилганини тасдиқлаб, ушбу истеъдод Саганнинг биринчи китобига “Салом, ёшлик” мақоласи билан муносабат билдирган машҳур адиб Франсуа Мориак томонидан юксак баҳоланганди.²⁴ Ёш адиба ортидан деярли ўн йил давомида чўзилиб келган шов-шувлар ўз ўрнини аста-секин асарлари руҳият чуқурлиги ва лиризм, услуби равшанлик ва сайқалланганлик билан ажралиб

турадиган, ҳар доим ҳам қизиқиш билан ўқиладиган муаллифнинг барқарор ҳамда жиддий обрўсига ўрин бўшатиб беради.

Парижнинг серҳашам 16-округида вояга етган Франсуаза Саган фақатгина ўзи яхши билган нарсалар, инсон мавжудлигининг мазмуни кўнгилочар эрмаклар ва завқу шавқни доимий қидиришдан иборат бўлиб қолган зерикарли ҳамда бузукликка берилган муҳит тўғрисида асарлар ёзди. Аммо “аслзодалар адабиётининг” образчаларидан фарқли ўлароқ Саганнинг китоблари – вайрон этилган тақдирлар драматизми, ҳақиқий ҳис-туйғуларнинг риёкорлик ва лоқайдлик билан фожиавий муросасизлиги тўғрисида эди. Ушбу муҳитда қабул қилингандан ўзгачароқ бахт ҳақидаги тасаввурларга ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга уринишлар одатда беҳуда бўлиб чиқади. Ўзининг кераксизлигини, мавжудлик бемаънилигини ҳис этиш ёзувчининг кўплаб қаҳрамонларига хосдир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам унинг романларида “ширин ҳаёт”нинг таъми шунчалик аччиқ ва шунчалик кўп ҳолларда ўз жонига қасд қилиш билан узилади. Буржуа табақаси гуллаб-яшнаётганлигининг ҳашаматли ва беғубор образи сифатида ажойиб суратлар билан безатилган журналлар саҳифаларида кўз-кўз қилинадиган замонавий ғарбона жамиятнинг жуда тор доирасини тасвирлашда ўта муҳим баҳоловчи жиҳат, албатта, бу асарларда ўз тасдиғини топади.

Шов-шувли тўрт роман муаллифи, ҳаёти ва ижодига монографик тадқиқотлар бағишланган, эътирофга сазовор адабиётчига айланган вақтларда Франсуаза Саган драматургияга мурожаат қилди. “Швециядаги қаср” (Chateau en Suede. 1960) номли ўткир ҳажвий ва истеҳзоли комедиясида у сахнага ўзининг насрий асарлари қаҳрамонларини ёдга соладиган персонажларни чиқаради. Лекин ахлоқсиз ишратпарастларга нисбатан авваллари адибага хос бўлмаган киновий оҳанглар пайдо бўлади. Тантқиқ ва, фақатгина ўз инжиқликлари билан машғул обрўли сулолалар авлодларининг ҳаётидан

²³ Франсуаза Саганнинг ижоди ҳақида қаранг.: Зонина Л.А. Печальный взгляд//Саган Ф. Немного солнца в холодной воде и другие повести. М.: Прогресс, 1975.

²⁴ Таниқли француз адабиётшуноси Пьер де Буадеффе Саганнинг илк китоблари Франция учун мисли кўрилмаган даражадаги адабини келтиради: “Салом, қайғу!”- 840 минг, “Изтиробли табассум” – 550 минг, “Ойлар ўтиб, йил ўтиб”- 400 минг ва х.// Boideffre P.de. Une histoire de la litterature d'aujourd'hui, Paris. 1962. p.172



қалбакилик билан ясамалик рухи уфуриб туради: улар гоҳ қаср бекасига ёкиш учун XVIII аср либосларини кийиб юришади (“Швециядаги қаср”), гоҳ ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишда чегара билишмайди (“Хушдан кетган от”, Le Cheval evaroui, 1966). Швециядаги қаср ёки Англиядаги сулола хонадони ёхуд Петербургдаги серхашам салон (“Бахт, тоқ ва ўткинчи” – Bonheur, imparer et passe, 1964) ҳаққоний ҳаёт белгиларидан кўра театр декорацияларига ўхшайди. Шундан улар фониди ўйнаётган эҳтирослар соф театрони, қаҳрамонлари эса ясама туюлади. Гоҳ унда, гоҳ бунда муаллифнинг айёрони, заҳарханда табассуми зоҳирланади. Саган нафақат ўз персонажлари устидан кулади, балки “олий тоифа ахлоқлари”ни томоша қилмоқчи бўлаётган томошабинларга ҳам истехзо қилади. “Майса устидаги пианино” (“Un piano dans l'herbe” 1970) пьесаси эса тамомила бошқача. Саганнинг драматик асарлари ичида бу комедия унинг насри билан узвийроқ боғланганлигини кузатамиз.

Ўз истаклари йўлида бирор нарсадан воз кечишга кўникмаган Моднинг инжиқ истак-хоҳиши сабабли унинг Турендаги уйида кишилар гуруҳи тўпланади – йигирма йил муқаддам улар бу ерда бир ойни қувноқ ўтказишганди. Имконсиз нарса режалаштирилган: ўтмишга аллақачонлар қайтмас бўлиб кетган кунларни қайтадан бошдан кечириш. Хонадон бекасининг инжиқликлари ва кучли истаги маълум муддатга барчани гўё ёшликнинг беташвиш кунларига қайтаргандай бўлади. Аммо Мод меҳмонларини йигирма йил олдинги кўнгилочар ишларни шунчаки такрорлашга қанчалик мажбурламасин – табиат кўйида нонушта ва велосипедларда учиб, Луарада чўмилиш ва ой ёғдусидаги рақслар – у ўшандан буён ўтган йигирма йилни ўчириб ташлай олмайди. Майсадаги пианино – хуррам эскапада рамзи, қачонлардир сеvimли мусиқа энди ўзгача жаранглайди.

Шундай қилиб, “Майса устидаги пианино” қаҳрамонлари худди Саган романлари саҳифаларидан пьесага кўчиб ўтишгандек туюлади. Бу ерда нафақат персонажларга нисбатан муаллиф кинояси, балки ўз-ўзига истехзо ҳам сезилади. “Мод – жуда бой, соҳибжамол; Луи – ичкиликка берилган, жозибатор, аммо маънан қашшоқ; Анри – аёллар ёқимтойи, кўриниши ажойиб; Изабель – унинг рафикаси, ёш ва гўзал; Эдмон – кичкина бақалок, батартиб педагог; Алин – унинг рафикаси, қиёфаси жиддий; Сильвиан – Моднинг дугонаси, қиёфаси унга мувофиқ; Жан-Луи – ишчан одам, бир вақтлар Моднинг “буюк муҳаббати” – ушбу “жентельменлар тўпламининг” пародиявийлиги яққол кўзга ташланади, лекин муайян ижтимоий қатлам тўғрисида гап кетганида қиммат машиналар русуми, модалар уйи ёки машхур курортлар рўйхати каби у ҳам муқаррар.

“Салом, қайғу!” романининг шовшувли муваффақиятидан кўп йил ўтиб ёзилган пьесада Франсуаза Саган 50-йиллар “олтин” ёшларига фақат уларгагина мансуб дил розлари сифатида, кундалик ҳаётнинг зерикарилиги ва бир хиллигига қарши чиқиш сифатида тасаввур қилинадиган ўша мажбурий “бошқаларга ўхшамаслик” ва “тўла эркинлик”, ўша ахлоқни қабул қилмаслик билан ҳар нарсага ижозатлилик қоидалари доимий қолип-андозаларга айланганини кўрсатади. Шу тамойилларга риоя қилиб яшалган ҳаёт бахтли бўлдимми? “Майса устидаги пианино”нинг персонажларидан бирортаси бу саволга тасдиқ жавобини бериши даргумон. Улардан энг самимийси бўлган Луи асар охирида улар ўз ҳаётларини беҳуда зомин қилганларини айтади. Ахир Моднинг ўзи ҳам “ёшликка қайтишни” эрмак учун эмас, балки ёлғизликнинг аччиқ ҳисси туфайли ўйлаб топади.

Саган жанр қоидаларини бир дақиқага бўлса-да ёддан чиқармайди. Қаршимизда комедия, унда юмор кўп, юз бераётганларнинг драматизми фақат бир марта юзага чиқади. Наҳотки ўз жонига



қасд қилишга уриниш ўзининг “буюк муҳаббати”дан ҳафсаласи пир бўлган Моднинг, тантиқ хонимчанинг шунчаки навбатдаги қилиғи? Наҳотки Жан-Луи, уларнинг ёшлик давралари қалби ва тўдабошиси бўлган йигит тиришқоқ прагматик ишбилармонга айлангани сабабли Мод кўктомирини кесган бўлса? Албатта, Моднинг ҳаётини ўзининг ситамгаридан кетиш учун етарлича пул тўплай олган дугонасининг исёни сақлаб қолиши қизиқарли ҳолат. Ўн бештача ўз жонига қасд қилишларни яширишга билагузуклари етарли эканини айтган Моднинг гапида ҳам муаллиф кинояси сезилади. Драматик таранглик эрини “ярамас давра”дан олиб кетадиган Эдмоннинг рафикаси келиши саҳнаси ёрдамида осон юмшатилади. Аммо комедияга яқун ясайдиган “бахтли яқун” мақсадсиз яшалган умр аламининг оғриқли хиссини босиб кетолмайди. Қирк ёш сарҳадидан ҳатлаб, “ердаги ҳаётининг ярмини ўтаб бўлиб” унинг беҳуда кетганлигига ишонч ҳосил қилиш нақадар аччиқ ҳақиқат. “Майса устидаги пианино” муаллифининг нафақат рухий, балки ижтимоий аниқлиги шундан иборатки, Саган бизларга ёшликда исталган ва режалаштирилгандек яшалган умрнинг андуҳли яқунини намоёйиш этади.

Франсуаза Саганнинг ушбу комедияси персонажлари билан хайрлашаркансан, уларнинг фаҳмлай бошлаши оний ва ҳаммаси ўз ҳолатига, албатта, қайтиши ҳақида ўйлайсан. Умуман бир-бири билан тил топиша олмайдиган ёшлар ҳам худди шу сўқмоқлардан юришга маҳкум. Муаллифона заҳарханда пьесада ёш авлод вакили бўлмиш “урғочи ғоз Изабелла”ни тасвирлашда яққол кўринади. Бироқ унинг энди ҳеч қандай таъқиқлар йўқ ва ҳамма эркинлиги хусусидаги мулоҳазалари ёки никоҳининг умри қисқалиги сабабли эрига боғланиб қолмаслиги кераклигини риёкорлик даражасидаги соддадиллик билан тан олиши ўз ёшлигини кўмсаб хотирлаётган Моднинг дўстлари бутун умр риоя қилган тамойилларга таянмайдими?

Муаллифнинг Изабеллани ёқтирмаслиги сезилади, аммо айнан унга Саган ёдда қолмаслиги мумкин бўлмайдиган даражада кўп такрорланадиган жумлани ҳаёти этади: “Сен-Тропега кетамиз!” Бу жумла ғайриоддий жозиба кучига эга, ўзида ҳашамат ва муваффақиятни, бекорчилик ва ўйин-кулгини мужассамлантиради. Изабелланинг тилида Сен-Тропе катта авлоднинг ҳозирги диди ва одатларига қарши чиқиш маъносига ҳам эга бўлади. Саганнинг ўз-ўзига истехзоси французлар, айниқса унинг тенгдошлари томонидан осон тушуниларди. Ахир Ўрта Ер денгизи қирғоғидаги унчалик катта бўлмаган балиқчилар қишлоғини қачонлардир у кашф этганди. Ёшгина адибанинг ҳар бир қадами матбуот эътиборини тортган 50-йиллар ўрталаридаги унинг хайратланарли машҳурлиги ҳамда Сен-Тропеда шўҳрат қозониб келаётган киноюлдуз Брижит Бардонинг пайдо бўлиши ушбу курортнинг мисли кўрилмаган машҳурлигига ва гуллаб-яшнашига сабаб бўлди.²⁵ Ер куррасининг ҳамма нуқталаридан машҳурлар бу ерга интилишди, у “ширин ҳаёт” тимсолига айланди. Хўш, Сен-Тропе Изабеллага ўхшаганлар учун “макка”га айланиб кетишига Франсуаза Саган “жавобгар эмасми”?

“Майса устидаги пианино” қаҳрамонларига ўзини тенглаштирмаган адиба, шу билан бир вақтда улардан тўла ажралиб туролмайди ва буни истамайди ҳам. Унинг учун ҳам дастлабки яқунларни яшаш вақти келди. Шу боис ушбу истехзоли комедияда ғам-андуҳ оҳанглари сезилиб туради. “Майса устидаги пианино”дан кейин кўп ўтмай “Қалбдаги мўматалоқлар” (*Des blues à l'âme*, 1972) китоби нашрдан чиқди ва унда Саган муаллифона чекинишларда жиддийлик ва ҳаяжон билан ўзининг ҳаётий ҳамда ижоди позицияси ҳақида, сохталик ва

²⁵ Ҳафталик нашр “Нувель обсерватор” Сен-Тропе “кашф этилиши”нинг 30 йиллигини катта мақола билан нишонлашни зарур деб топди (*Le Nouvel observateur*, 17-23 aout, 1984)



иккиюзламачиликка мурасасизлиги тўғрисида, ижодкор учун унинг атрофида юз бераётганларга лоқайдликка йўл қўйиб бўлмаслиги хусусида сўз юритади. Бу йиллар мобайнида бир нечта романлар нашрдан чиқди, хотиралар китоби “Энг яхши хотираларим оғушида” (*Avec mon meilleur souvenir*, 1984) – нафақат айнан ўзи ҳақда, балки кўпроқ ўз авлоди тўғрисида ҳикоя мазмунида ёзилди.

Яна бир француз драматурги Франсуаза Дорен (*Françoise Doren*) “Мен авангард драматурги бўлишни истардим”²⁶ деган бўлса-да, аслида унинг ижоди “Бульвар театри” билан чамбарчас боғлиқ ривожланди. Ўзига хос ажойиб юмор хисси билан Дорен ҳар қандай “ёрлиқлар” мавзусида кесатиб ёзади. “Мана 16 йилдирки елкамда бульвар муаллифи ёрлиғини олиб юрибман. Аслида шунчаки драматург ёки ёзувчи деб аталишни хоҳлардим. Кўлда қалам тутган “аёл” бўлсам ҳам майли эди”²⁷. Муаллиф ўзининг “Бурилиш” (*Le Tournant*, 1973) номли пьесасида ушбу масаладаги мулоҳазаларини янада яққолроқ ифодалаган. Унинг қаҳрамони Филипп Руссо узоқ йиллар бульвар драматурги сифатида муваффақиятли фаолият юритгач, жиддий пьеса яратиш унга ҳаводек зарурлигини англаб етади. Бироқ ёлғиз бу истакдан ҳеч натижа чиқмайди, чунки у ўз комедияларида тасвирлаган ҳаётдан бошқача турмушни билмайди: уйининг жиҳозлари, хашаматли меҳмонхонаси, ажойиб безатилган, бутун деворни эгаллаган жавон ва улкан тўшақли ётоғи, хизматчи аёллар, сон-саноксиз ва ранг-баранг ишқий саргузаштларни бошидан кечирадиган рафиқасининг дугонаси Флоранс – бунинг бари унга таниш ва тушунарли бўлган ягона оламини

ташқил этади ва фақат шулар ҳақидагина ёза олади. Боз устига “Бульвар театри”га худди мана шулар керак эди. Филипп моҳиятини англаб етиш учун ўша кунларда томошабинлар эътиборини қозонган “нобульвар” спектаклларга ҳафсала билан бориб туради. Аммо тез орада маълум бўладикки, энг таниқли авангардчи драматурглардан бири рафиқасининг хушторига айланиб, Филипп келиб қолганида кийим жавонига яширинади. Шундан сўнг юзага келадиган ниҳоятда узлуксиз кулгили *qui pro quo* ҳолатлари Филиппнинг яқунда ғалаба қозонишига олиб келади (бунгача у рафиқасига уй ва буржуа фаровонлигининг белгиси бўлмиш Сен-Тропедаги вилласини қолдириб, мағрур кетишга тайёр эди). Унинг театр ва ҳаётдаги рақиби тан олади: “Сиз авангард руҳида пьеса ёза олмагач, мени бульвар комедиясида ўйнашга мажбур қила олганингиздан хурсандсиз”²⁸.

Франсуаза Дорен комедияларига қараганда ундаги авангард театрига мойиллик худди “Бурилиш” қаҳрамониники сингари “кучли”. “Бульвар”нинг “авангард” билан тўқнашувини жонлантларкан, у ўз қаҳрамонлари тилидан буржуага оидликнинг ҳар қандай хавотирини олиб ташлаган ҳолда қалбига қадрдон бульвар тўғрисида ҳозиржавоблик ва хушчақчақлик билан сўз юритади. Бироқ ўзининг энг яхши пьесаларида Дорен “Бурилиш”да шу қадар ўткир киноя билан кўрсатилган вафосизликка оид сюжет доирасидан чиқади.

Драматургияга “Ҳисоб” (*La Facture*, 1968) пьесаси билан анча кеч кириб келган Франсуаза Дорен ижоди давомида ўнтача пьеса яратди. Комедиялари ўхшаш ва ўзаро бир-бирини такрорлайдиган аксарият бульвар драматургларидан фарқли ўлароқ Дореннинг асарларида индивидуал муаллифона усул, ўзининг мавзуси яққол сезилиб туради. Адиба ўткир, киноявий ва масхараловчи сўз

²⁶ Қаранг.: *Pariscope*, 25 janvier 1983, p. 106

²⁷ Таниқли француз адабиётшуноси Пьер де Буадеффе Саганнинг илк китоблари Франция учун мисли кўрилмаган даражадаги адабини келтиради: “Салом, қайғу!”- 840 минг, “Изтиробли табассум” – 550 минг, “Ойлар ўтиб, йил ўтиб”- 400 минг// *Boideffre P.de. Une histoire de la littérature d’aujourd’hui*, P. 1962. p.172.

²⁸Қаранг.: *L’Avant-scène. Théâtre*, №555, janvier 1975, p.41



воситасида инсонни рухий ва эмоционал жиҳатдан боши берк кўчага киритиб кўядиган замонавий буржуа турмуш тарзининг аксилансоний ва бемаъниликка мунтазам равишда эътибор қаратиб келади. Қизиғи шундаки, ҳозирги ижтимоий ва шахсий муносабатлар нуксонлари устидан кулиш билан кифояланмай Дорен ушбу муносабатларнинг тамомила инқирозининг олдини олиши мумкин бўлган қандайдир эртакона-утопик ечим таклиф этади. Бу маънода адибанинг “Бошқа вальс” (L’Autre valse, 1977) ва “Мараз” (L’intoxe, 1980) пьесалари ибратлидир.

“Бошқа вальс”нинг қаҳрамони Александр француз вилоятининг сўлим гўшаларининг бирида “Кўриқхона” яратади. У ерда синглиси, севгилиси, кадрдон дўсти ҳамда ўз хунари билан шуғулланувчи яна талай кишилар истиқомат қилишади ва бу ерда урушгача бўлган ҳаётнинг фароғатли деб тушунилган ахлоқ-одоби сақланади. Ҳамма мамнун ва бахтлидек туюлади, аммо Александр ўз жонига қасд қилишдан олиб қолган Наталани бу ерга олиб келган заҳоти қиз келтирган ўзга ҳаётнинг хушбўйи “Кўриқхона”нинг батартиб тарзини бузиб юборади. Бу каби “Кўриқхона”лар ёрдамида вақт оқимини тўхтатиш мумкинлиги сингари хомхаёлларга берилмаса-да, Дорен ўз томошабинларини кўплаб ахлоқий кадриятларнинг кадрсизланиши устида фикрлашга ундайди. Албатта, ҳақиқатда мавжуд муаммонинг у таклиф этаётган аспекти анчайин юзаки ва нотарихий (аввало ҳозирги авлодлар шаклланишига ўз муҳрини босган иккинчи жаҳон уруши каби тарихий ҳалокатлар қавсдан ташқарига чиқарилади), лекин ҳатто шу ҳолида ҳам долзарб масалалар намойиши “Бульвар театри” учун ноодатийдир.

“Мараз”²⁹ комедиясида илгари сурилган муаммолар янада кўпроқ

даражада аҳамиятли ҳисобланади. Асар қаҳрамони Мари-Пьер – замонавий эркин аёл, радио шарҳловчиси, икки вояга етган фарзанднинг онаси, омадсиз актёрнинг рафиқаси, катта шаҳарда истиқомат қилган бу аёл доимий асабий ҳолатда яшайди. Ўзини ўраб турган тушунмаслик ва кўполлик, лоқайдлик ва бегоналикдан эзилган Мари-Пьер сурбетлик ва тажовузкорлик маразига чалинишни истаганида у атрофда ҳукмрон мушкул муҳитни янада оғирлаштиради, холос. Маъгдор фамилияли кўшниси Дусье (“мулойим”, “сертакаллуф”) Мари-Пьер учун “амортизатор-юмшатгич” бўлишни, унинг барча ҳаётини мушкулотларини ўз зиммасига олишини таклиф қилади. Ҳақиқатан, аёлга мутлақо ҳал қилиб бўлмасдек туюлаётган муаммоларни у осон ва тез ечади. Жаноб Дусьенинг ишларида ҳеч қандай ғайриоддийлик йўқ, зарур пайтда аллақачондан пайдо бўлиб қоладиган турли вазирликлар ҳамда идораларнинг расмий қоғозларини айтмаганда. Ҳозирча ягона аъзоси ўзи бўлган “тажовузкорлик ва тажовузкорларга қарши жамият” яратувчиси Дусье ўзи ҳомийликка олган аёлга ҳамма нарсани кечириб ва мурасасозлик ғояларини таклиф қилмайди. У асосида бошқа одамни тушуниш, унинг ўрнига ўзини қўйгани ҳолда биргаликда мурасага келиш, ётган одоб-ахлоқ моделини намойиш этади. Юзага келган ҳузур-халоват тўсатдан барҳам топади: оиланинг дўсти бўлган шифокор Дусьедан рухий хасталар касалхонасидан қочган беморни таниб қолади. Ўз халоскорини кузатаркан, Мари-Пьер у билан бирга ҳали бир кун келиб унинг “жамиятига” ҳамма одамлар аъзо бўлиши ҳақида орзу қилади.

ҳолда “l’intoxe” фақат контекстдагина таржима қилиниши мумкин. Француз мунаққидларидан бири ушбу “неологизм”нинг қуйидагича тавсифини таклиф этган: “Катта шаҳарларда аҳоли тўпланиши, замонавий турмуш суръати, оммавий мулоқот воситалари, транспорт, ҳозирги дунё мушкулотлари келтириб чиқарган жисмоний ва маънавий тажовузкорлик”(L’Avant-scene. Teatre, № 686, mars 1981. p 47)

²⁹ Пьеса номининг таржимаси мушкул. У “интоксикация”, “заҳарланиш” маъносини берадиган “intoxication”дан ҳосил бўлиб, қисқарган



Ҳозирча эса кўчадан жанжалкаш аттор аёлнинг шанғиллаши эшитилади.

“Мараз”да Дорен кундалик турмушнинг аниқ пайқалган хусусиятлари билан ривоятнинг ўзига хос қоришмасини тақдим этади. Азалий адабий, аввало халқ оғзаки ижоди анъаналарига амал қиларкан, Дорен телбани комедиясининг энг ақлли персонажи сифатида талқин этади. Замона кишиси учун одатий ҳолатга айланиб, уни шахс сифатида хароб қилаётган, уни қаҳр-ғазабли ва тажовузкор маҳлуққа айлантираётган дунё телбалигига айнан ана шу персонаж энг самарали тарзда қарши тура олади. Дореннинг ижодий йўлида энг катта муваффақият улуши тўғри келган “Шлягер” (1974) комедиясининг ҳам долзарблиги олдингиларидан кам эмас. Унинг янги пьесаларини оммага таништираркан танқидчилар уларни “Шлягер” муаллифи” қаламига мансублигини таъкидлашадилар. Дореннинг комедиялари орасида сахнада узок яшашнинг рекорди ҳам ҳозирча “Шлягер”га тегишли: унда бош ролни ўзи ижро этган машҳур француз актёри Франсуа Перье сахналаштирган спектакль “Антуан театри”да ҳар оқшом икки йилдан ортиқ намоиш қилинди. Француз театр шарҳловчиларининг оқсоқоли Жан-Жак Готье “Шлягер”га тақризида Франсуаза Дорен истеъдодининг янги кирраларини “ҳақиқий хиссиётларнинг лиризми ва самимийлигидир”³⁰ дея алоҳида таъкидлаб ўтади. Фараз қилиш мумкинки, ёзувчи кишини пьеса қаҳрамони сифатида танлаб, Дорен унга адиблик вазифаси ва унинг шов-шувга ўч жамиятдаги аҳволи хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини сингдиради. Дорен муваффақият қозонмаган романлар муаллифи сифатида бошлаган бўлса-да, гап бу ерда таржимаи ҳолнинг мос келишида эмас, балки ҳаёт ва санъат ҳақидаги тасаввурлари ўз истеъмоличларига “оммавий маданият” воситаларини тарғиб қилаётганлар билан мос келмаган кишиларга қанчалик қийин эканлигидадир. Жанр қонунларига риоя

қиларкан, Дорен камтарин адабиёт ўқитувчиси ўзининг ёзувчилик иқтидори туфайли эмас, балки ўғли тўқиган “Ҳаммасига тупурганимиз тўғрисида” кўшиғининг оммалашиб кетиши сабабли таниладиган вазиятни атайин бўрттирмайди ва кучайтирмайди. Мустақил тарзда ҳеч вақони тушуниш ва ҳатто шунга истакдан ҳам маҳрум бўлган Бенуа Ларознинг онаси билан синглиси ҳам кулгили кўринадилар. Бенуанинг ойисининг ўғли ёзган роман тақдирдан кўра мушукнинг иштаҳаси кўпроқ ташвишга солади. Лекин набирасига кутилмаганда насиб этган “эстрада юлдузи” шуҳрати унда анчайин кўтаринки руҳ ато қилади.

Дореннинг кўпгина асарларида бўлгани каби, ушбу пьесада ҳам муаллиф нуқтаи назари анча аниқ белгиланган: замонавий буржуа жамияти ахлоқ-одобига яхши мослашмаган қаҳрамон эмас, балки инсоний фазилатлар ва ахлоқ ҳақидаги тўғри тасаввурларнинг оёғини осмондан қилган шу жамиятнинг ўзи кулгили. Рақобат ва шон-шуҳрат ҳаваси муносабатлар бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ота ва ўғил Ларозлар воқеасининг бахтли якуни, аввало шу билан изоҳланадики, умрини ўғлига бағишлаган Бенуа энг муҳим ҳаётий қадриятлар тўғрисидаги ўз тасаввурларини унга сингдира олган. Ҳал қилувчи изоҳда Лоран шундай дейди: “Сиз айтган “ёш юлдуз”га уч ой олдин айланган бўлсам, йигирма икки йилдан буён ўғлингизман. Шу вақт мобайнида одатлар пайдо қилдим. Эҳтимол, қачонлардир мен чет тилида гапиришни ўрганганларидай “юлдуз”га ўхшаб гапиришни ҳам ўрганарман. Аммо ҳамиша менга қадрдон ўз ота тилимда фикрлайман”.³¹ Комедия қаҳрамони кўлга киритган асосий ғалаба ўғлининг ўзига маънан яқинлигига ишонч ҳосил қилишидан иборат. Унинг “эскича” тушунчалари “юлдуз”га эсанкиратиб қўядиган шон-шуҳрат босимида қарши

³⁰ Le Figaro, 20 septembre 1974

³¹ . Қ. С. 253. Comedies. М.: “Radouga”, 1986



туришига ёрдам берди ва эҳтимол ҳали яна кўп бора ёрдам бериши мумкин.

Шубҳасиз, XX асрнинг 60-70-йилларида бир қатор Ғарб мамлакатларини жунбушга келтирган ёшлар ҳаракати сабабларидан бири бўлмиш авлодлар орасидаги кескин зиддиятлардан ва бир томон иккинчисини айблаётган қаршиликлардан Дорен хабардор эди. “Фарзандлар”нинг ашаддий нигилизми “оталар” мутаассиблиги ва тошбағирлигига қарама-қарши қўйилган аксарият адабиёт ва санъат, айниқса кинематография асарлари ҳақида ҳам Дорен яхши биларди. Бизнингча, “Шлягер”да Дорен ўз томошабинларига деярли ҳар бир оилага дахл қилган ўткир муаммога бошқача нигоҳ билан қарашни таклиф этади. Маҳкумлик ҳиссидан, оталар билан фарзандлар орасидаги ўзаро тушуниш батамом йўқотилди деган фикрдан воз кечишга чақиради. Ёш авлоднинг хушёр тушунишини пайқаган Лароз ўз романини айнан ана шу ҳақда ёзади. “Бизнинг замонда ёшларимиз ғоятда уятчан, – дейди у ноширга. – Албатта, ўзлари ҳис этган нарсаларда! Улар ўз фикрларини бажонидил ошкор этишади, ўз вужудларини кўз-кўз қилишади... аммо ҳис-туйғуларини гўё уятли алланимадек яширадидлар”.³² Эҳтимол, муаллиф ўзининг ёшларга муносабатини бош қаҳрамон тилига жойлагандир. Авлодлар ўзаро муносабатларига эътибор қаратишган бўлса ҳам, албатта, “оталар” позициясида турган “Бульвар театри”нинг кўпгина драматургларига бундай муносабат хос бўлмаган. Уларда “фарзандлар” бераҳм ва худбин, сурбет ва беандиша тасвирланган (шу ўринда Жан Ануйнинг “Болалигингда шундай ёқимтой эдинг” – “Tu étais si gentil, quand tu étais petit” ва “Опера директори” пьесаларини эслаб ўтиш жоиздир).

Мунаққид Ги Дюмор “Шлягер”да пайқаган ва Дорен ҳамиша ўз пьесалари қавсидан ташқарига олиб чиқадиған ижтимоий қарама-қаршиликларга кўра кўп жиҳатдан утопик “французларнинг умум

муросасига чорлов”³³, балки, унинг шу комедияси муваффақиятининг сабабларидан биридир. Кейинги асарларида бўлгани каби “Шлягер”да ҳам маънавий модель бўлиб, драматургнинг фикрича, у ижобий натижаларга олиб келиши, нарсаларнинг мавжуд ҳолатини яхши томонга ўзгартириши мумкиндир эҳтимол. Қизиғи, ўн йилдан сўнг авлодлар ўзаро муносабатлари муаммосини ҳали жуда ёш драматург Марк Перье ҳам худди шу асосда ҳал қилишга уринади. Унинг “Соат олтида, ундан кеч эмас” пьесаси кекса ёлғиз киши ва ёшгина фирибгар ўртасида дўстлик туғилиши тўғрисида ҳикоя қилади; унинг асосий мазмунини детектив сюжет эмас, балки аста-секинлик билан, каттанинг эҳтиёткорлиги ва кичикнинг тажовузкорлигини енгиб ўтаётган қаҳрамонларнинг бир-бирига томон муқаррар ҳаракати ташкил этади. Катта муваффақият қозонган спектакль ўзи бош ролни ижро этган таниқли француз актёри Клод Пьеплю томонидан саҳналаштирилган. 1983 йилда драматик муаллифлар жамияти Марк Перьега “Янги театр истеъдодларига” мукофотини беради.

Бир хил мавзуга мурожаат этишган Дорен ва Перьеларнинг ғарб драматургиясида кўп учрамайдиган ўзаро ҳурматнинг зарурлиги ва имконийлиги тўғрисида, авлодларни ажратиб турган жарлик у қадар ўтиб бўлмас эмаслиги хусусида алоҳида таъкидлашгани аҳамиятлидир.

Театр саҳнасида илк бор Ив Жамиак (Yves Jamiaque) актёр сифатида пайдо бўлганди.³⁴ Бу урушдан кейинги дастлабки йиллар эди. Урушгача Жамиак тарихчи дипломини олишга улгуради. Сўнг жанглarda қатнашади, бир неча йилни фашист лагерларида асирликда ўтказди. Профессонал саҳнадаги илк муваффақияти 1947 йилда режиссёр

³³ Le Nouvell observateur, 30 septembre 1975

³⁴ Ив Жамиак ўзининг “Жаноб Амийкор” пьесаси таржима қилиниши сабабидан театр ихлосмандларига ўзи ҳақида қисқача ҳикоя қилиб беради (Современная драматургия, 1982, № 2)

³² . Қ. С. 185// Comedis. М.: “Progresse”. 1986



Гастон Батининг “Театр Монпарнас”да сахналаштирган Мюссенинг “Лоренчаччо”сидаги Скоронкоколо роли билан юзага чиқади. 50-йиллар бошида Жамиак радио билан кўп ва хўп ҳамкорлик қилган бўлса, 1955 йилда театр учун ёзилган “Negro Spiritual” ва “Nabeas Corpus” номли икки пьесаси мухлислар эътирофи билан иккита адабий мукофотга сазовар бўлди. 1960 йилда “Ҳинд чўчкачалари” (Les Cochons d’Inde) драматургия соҳасида “Гран-при”га муносиб кўрилди. Жамиакнинг спектакли ўзи “Барча коломблар” театри сахнасида кўяди ва бош ролни танилиб келаётган комик актёр Мишель Галабрюга топширади.

Ушбу пьесада Жамиак ҳаётий ва унчалик қувноқ бўлмаган ҳолат ҳақида ҳикоя қилади: хонадон соҳиби кўп болали Матуффль оиласини кўчага ҳайдаб чиқаради, чунки улар яшаган уйни чўчкахонага айлантириб, у ерда ҳинд чўчкаларининг алоҳида бир зотини кўпайтирмоқчи бўлади. Қонун у томонда ва бошпанасидан айрилган катта ва кичик Матуффлларнинг ҳар қандай қаршилиги бефойда. Мана шундай комедияга мос бўлмаган сюжетни танлаб, Жамиак ҳатто энг оғир вазиятда ҳам аҳил, мушкулотларни енгишга кўниккан оила машаққатларига бардош беришга кўмаклашадиган оқилоналик ҳамда юмор ҳиссини намоён этишини кўрсатади. Уларнинг жўн ва табиий ҳаётий мантиғи ҳокимлик ҳуқуқига эгалар даъволарининг бемаънилигини яққол намоёиш этади. Такризчилардан бири спектаклда чаплинча мотивларни пайкайди: “...бу пьесанинг оригиналлиги шундан иборатки, қонун таъкибидаги инсон адолатсизликлар зарбалари остида озгин қомати букчайган Чарли Чаплин руҳидаги персонажга ўхшамайди, балки бақувват, нима яхши-ю нима ёмонлигини тушунадиган, ўз манфаатлари учун жамият билан курашишга ёхуд ҳеч бўлмаганда, унинг шафқатсизлигига ўзининг қудратли юмор ҳиссини қарши кўя олишга қодир кишини

намоён этади”.³⁵ Спектаклга кўп сонли фикр-мулоҳазаларда моҳиятан анча ғамгин вазиятни ўткир ҳажвий ва кулгили тасвирлай олган Жамиакнинг комедия яратиш маҳорати алоҳида таъкидлаб ўтилади. Драматург истеъдоди ўзига хослигини мунаққид Жорж Лерминье аниқ тавсифлаган: “Ив Жамиак ижтимоий пьеса билан абсурд фарс орасидаги йўл ўртасида қола олди”.³⁶ Ижтимоийлик устидан комизмнинг бундай устуворлиги унинг қаламига мансуб аксарият пьесаларга хос, жумладан, “Жаноб Амилкор” (M. Amilcare, 1974)га ҳам, “Акапулько, хоним” (Acapulco, mdame 1976)га ҳам.

“Бульвар театри”да замонавий, овоз аёл аҳволи мавзуси ҳам кўп ёритилади. Ж. Ануй феминизм тарафдорлари бўлган аёлларни фош этувчи қайғули гротеск (муболаға) билан (“Иштонлар” – La Culotte, 1978), Р. Ламуре ҳар доимгидек, енгил комедия (“Эркак эмас, иблис” – Diable d’homme, 1980) билан муносабат билдиришди. Замонавий ҳур фикрли аёлга ҳамдардлик билан Ф. Дореннинг “Мараз” асари яратилди. Жамиак “Акапулько, хоним” асарининг қахрамони сифатида бутун қувонч ва ташвишлари оила доираси билан чегараланганлигига гўё кўниккан аёлни тасвирлайди. Аммо, ҳазилга ўхшаш бемаъни телефон суҳбати Натнинг ҳаётга тамомила ўзгача нигоҳ билан қараши учун етарли экан. Бундай мавжудликдан қониқмасликнинг кўпдан бери тўпланиб келаётганлиги оиласи учун воз кечилган севимли ишидан афсусланиш ҳали ҳам ўтиб кетмаганлиги маълум бўлади. Драматург ажиб жозибали аёл характерини – мулойим ва шу билан бирга етарлича қатъиятли руҳиятни яратади. Латофатли, муросага мойил Нат ўз қадрини билади, лекин уни ҳимоя қиларкан ўзини мулойим ва вазмин тутати. Яқинлари унга эътиборли бўлганида, унинг фидокорлиги ва ғамхўрлигининг қадрига етганида портлаш, балки юз бермасди. Аммо

³⁵ Қаранг.: France-Soir, 2 decembre 1960.

³⁶Қаранг.: Le Parisien liberé, 1 decembre 1960.



уларнинг бефарклиги, ўз ташвишларидан ортмаслиги зиддиятга олиб келади.

Пьесада иштирок этувчилар сони жуда кам, лекин Жамиак уларга шу қадар аниқ, жонли тавсифлар бера олганки, улар майда буржуа муҳитининг муайян типларини ниҳоятда ёрқин ифодалайдилар. Университет маълумотини олган Мартин билим барча ҳаётий муаммолар ечимини беришига ишонган эркин ёш аёллар тимсолидир. Драматург Ғарбда оммавий бўлган психоанализ устидан куларкан, Мартин улар ёрдамида синглизининг ақлини киргизишга уринаётган психоанализ кўрсатмалари қанчалик ночор ва юзаки эканлигини кўрсатади. Мартиннинг “Юнг айтганидек” жумласи, ўта ақлли атамаларни кўллаши сертаманно ва кулгили. Реклама соҳасидаги омадли ишбилармонлар тури, “ақллар ҳукмдори”, истеъмолчи жамият маҳсули ҳам пьесада кулги остига олинади. Жером ғарибона реклама шеърларини тўқишга шунчалик “дастурланганки”, ҳар қандай сўз унга шеър тўқишга баҳона бўлиб туюлаверади. У ўзи билан нима ҳақда гаплашаётганларини эшитмайди, фақатгина алоҳида сўзларни англайди ҳамда улар унинг касал онгида ночор кофияларга бурканади. Нат эри билан “бошлиқ” маъносида кўллаган “chapitre” сўзини ишлатиб гаплашишга беҳуда уринади, эри эса буни “предмет” маъносида қабул қилади – Жером шу заҳотиёқ колготкиларнинг янги русуми учун анчадан бери тўқимоқчи бўлаётгани рекламани яратади: “Туширилмайдиган илмоқли ушбу предмет, хоним, оёқчангизни ғоят бежирим кўрсатади”.³⁷

Жамиак нафақат Жеромга ўхшаган одамларни мўлжалга олади, балки шу каби “ашъор” билан тўлдирилган ва уларнинг ахлоқоналиги ҳамда жўнлигининг фарқига бормай қўйган бутун жамиятнинг устидан кулади. Исталган нарса истеъмол маҳсули, предмети бўлиши мумкин. Масалан, Ф. Дореннинг янги пьесасини оммага таништираркан, ҳар ҳафталик “Парископ”

дастурининг муҳбири Сильви Мило муаллиф билан суҳбатни қуйидагича анонс билан бошлаганди: “Франсуаза Дореннинг янги пьесаси – бу “Дим” колготкиларининг янги туридек: энгил, амалий, ажойиб”.³⁸ Нафақат журналист аёлнинг, балки истеъмолчи ролини ўзининг барча ижтимоий ролларидан кўра яхшироқ ўзлаштирганларнинг фикрлаш усулидан гувоҳлик берадиган эълон. “Бульвар театри” мухлисларининг қизиқишлари доирасини Жамиак жуда яхши билади ва уларни ўйлашга мажбур қилиш учун айнан шу оммага одатий образлар ҳамда тушунчалар билан ишлайди. “Акапультко, хоним” асари қахрамонлари этиб драматург “Бульвар театри” доирасидаги кишиларни танлайди. Ҳар доимгидек, унинг қуроли – ҳам хушчақчақлик, ҳам андуҳ иштирок этган, асосий жиҳати ифодавийлик бўлган кулгидир. Бу комедиянавис учун муҳим сифат.

“Ҳинд чўчкачалари” муваффақияти даврида Ив Жамиак таниқли театршунос Пол-Луи Миньоннинг саволларига жавоб бераркан, шундай деганди: “Менинг тарихга қизиқишим тарихий сюжетлар ёки тарихий декорацияларга замонавий мавзуларни ўраб кўрсатишни танлашимга олиб келмайдими деб сўраяпсизми? Тўғридан-тўғри замонанинг ўзидан олиш ва ундан ажралмасдан ишлаш осонроқ эмасми?”³⁹ Ўзининг кейинги бутун ижоди билан драматург ушбу тамойилга содиқ бўлиб қолади.

“Бульвар театри” энг яхши асарларининг бош фазилатларидан бири шундаки, уларнинг мавзу ва сюжетлари замонавийликдан олинган.

³⁸ Pariscope, 25 janvier 1983, p. 106

³⁹ L'Avant - scène. Théâtre. № 235, 15 janvier 1961, p. 7

³⁷ Қаранг.: Comedies, М.: Radouga, 1986, p. 277-278



Адабиётлар:

1. Зингерман Б.И. Очерки истории драмы XX века: Чехов, Стриндберг, Ибсен, Метерлинк, Пиранделло, Брехт, Гауптман, Лорка, Ануй. – М., 1979.
2. Молодцова М.М. Луиджи Пиранделло. – Л., 1982
3. Силюнас В.Ю. Федерико Гарсиа Лорка: Драма поэта. – М., 1989.
4. Коренева М.М. Творчество Ю. О’Нила и пути американской драмы. – М., 1990.
5. Макарова Г.В. Сцена сбывшихся пророчеств // Западное искусство: XX век. Между Пикассо и Бергманом. – СПб., 1997.
6. Рудницкий М. По ту сторону видимости // Бернхард Т. «Видимость обманчива» и другие пьесы: Пер. с нем. – М., 1999
7. Проскурникова Т.Б. Театр Франции: Судьбы и образы. – СПб., 2002
8. Esslin M. The Theatre of the Absurd. – London, 1961
9. Serreau G. Histoire du “nouveau theatre”. Paris, 1966.
10. Denkler H. Drama des Expressionismus. Programm, Spieltext, Theater. – Munchen, 1981
11. Styan Z.L. Modern Drama in Theory and Practic. Vol.1-3. – Cambridge. 1981.
12. Mignon P.-L. Le Theatre au XX siècle. Paris, 1986
13. Worth K. Samuel Beckett’s Théâtre: Life Journeys. – Oxford, 1999.
Biggsby C.W.E. Modern American Drama, 1945-2000. - Cambridge, 2000

Холбеков М. Французский “Бульварный театр”. В статье представлен глубокий лингвистический анализ большого количества французских комедий и пьес, написанных в жанре бульварного театра. Автор статьи исследует произведения французских писателей этого направления, раскрывает сущность французского бульварного театра, анализирует персонажей их произведений и выделяет особенности бульварного театра как особого направления во французской литературе.

Xolbekov M. French “Boulevard theatre”. The article demonstrates a deep linguistic analysis of numerous French comedies and plays, written in the boulevard theatre genre. The author of the article investigates the works of French writers of this direction, reveals the essence of French boulevard theatre, analyzes characters of their works and makes out the peculiarities of the boulevard theatre as a special direction in the French literature.



ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТАМОЙИЛЛАРИ

*Маҳмудова Муяссар,
СамДЧТИ профессори*

Калим сўзлар: рақобатдош кадр, кўптиллилик, педагогик тамойиллар, индивид, интерфаол дарс.

Тил ёрдамида инсоният ўзининг адабий, диний, фалсафий, маърифий соҳалардаги қадриятлари, асарлари, меросини яратган. Шу билан бирга, айнан тил воситасида инсон фаолиятининг турли йўналишларига тааллуқли мерос яратилган. Тил башарият маънавий-маданий меросининг бош воситасидир. Тил орқали инсоният миллий-маънавий ҳамда маданий мероси ва қадриятлари намоён бўлади. Шу билан бирга, айнан тил воситасида миллийлик қирралари, унинг хусусиятлари, миллийлик тизими шакллантирилади. Бинобарин, тилдан ташқарида на маданият, на халқ, на маънавият, на тарих мавжуд бўла олмайди. Уларнинг барчаси тил воситасида амал қилади.

Ўзбекистонда тилларга бўлган муносабат ўзининг икки ўзаро боғлиқ, шу билан бирга, ўзига хос хусусиятлари орқали намоён бўлади. Булар:

а) ўз она тилига бўлган миллий ўзликни англаш ҳамда миллат маънавияти ва генофондини асраш, миллий манфаатларни муҳофаза қилиш асоси сифатидаги эъзозли ва қадрли муносабат;

б) хорижий, яъни чет тилларига нисбатан миллий анъаналар ва инсоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ҳамда мавқеини таъминловчи ва кўтарувчи манба сифатидаги хурматли муносабат.

Бизнинг юртимизда кўп тиллилик ёки полиглотлик ҳодисаси қадимдан мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда кўпчилик дунё тилларини ўрганишга яратилган ижтимоий-таълимий шарт-шароитлар бир томондан бизнинг ёшларимиз учун қадимий мерос саналса, иккинчи томондан замонавий, ҳар томонлама мукамал ва етук мутахассис бўлиш учун қўйилган қадамлардан биридир.

Бинобарин, бугунги кунда ўқувчи-ёшлар, талабалар ўтмиш авлодларнинг миллий тил ва умуман тилга бўлган муқаддас муносабатининг негизларини аниқ билишлари, уларнинг ҳам ўз анъаналари қаторига киритишлари тақозо этилади. Мазкур билимлар талаба-ёшлар тафаккурида қуйидаги феъл-атвор ва характер хусусиятларининг шаклланиши учун хизмат қилади:

- ўзбек тилини ардоқлаш, унинг ўзбек миллати ва халқининг бетакрор ва бош хусусиятларидан бири эканлигини англаш, ўзбек тилига муқаддас қадрият сифатида қараш, ўз тили бойлиги ва имкониятларини эгаллашга саъй-ҳаракат қилиш;

- ўзбек тили тарихи ва ўзбек тилида яратилган маънавий-маданий мерос билан ғурурланиш, унинг дунё ҳамжамиятида тутган бетакрор ва табиий бўлган ўрнини ардоқлаш, ўзбек тили ўзбек халқини дунё ҳамжамияти учун таништирувчи восита эканлигини англаш;

- шу билан бирга, барча миллий тиллар ўз халқи учун ардоқли эканлигини ҳисобга олиш, барча халқлар учун маънавий бойлик эканлигини тушуниш, шу боис ёшларнинг тил ва тил муносабатларига нисбатан, ўзга тилларни ўрганиш орқали ўзга халқлар маданияти, улар тарихи ва маънавий меросига нисбатан бағрикенг бўлишга интилиш;

- тил ва тил ўрганишга доир Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг барча фикрлари, қарашлари ва муносабатларини идрок этиш, улардан ўрнат олиш, мана шу фикрларнинг мағзини чақишга, ҳаётий мезонга айлантиришга ҳаракат қилиш.

Бинобарин, чет тилларни ўрганишда миллий анъаналар, қадриятлар, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг



қарашлари тизими, тил ва ундан фойдаланишга оид ислом маданияти, тил амалиёти ва тил назарияси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар аҳамиятли бўлиб, уларнинг барчасини назарга олиш ва мавжуд имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланиш тақозо этилади.

Чет тилларни билиш педагогик жиҳатдан инсоннинг шаклланишида ўзига хос босқич сифатида баҳоланган. Чет тилларни билган инсонда қуйидаги феъл-атвор хусусиятлари шаклланади:

- ўқувчининг фикри ўсади, ақли пешланади, хотираси кучаяди, ҳар бир нарсага диққати ортади, мантиқ билан фикрлашга мойил бўлади, тасавури кенгаяди, тили бурро бўлади, сўзлар маъносини аниқ билиб олади, бунинг натижасида эса, унинг сўзлар семантикасини англаши ҳамда лексик билими ва бойлиги ошиб боради;

- чет тили орқали ўқувчининг бошқа маданият, ўзга мамлакат ҳақидаги билимлари шаклланади, ўзга халқлар маданияти ва урф-одатлари борасидаги ахборотлари кенгаяди, бу эса ўз ўрнида ўқувчининг бағрикенг, сабр-қаноатли, юксак маданиятли, дунёвий бўлишини таъминлайди;

- чет тилларни билиш ўқувчининг замонавий рақобатбардош кадр сифатидаги мавқеини таъминлаб беради, унинг дунё бўйича барча мавзуларга доир, шу жумладан, ўз мутахассислиги доирасидаги илмий-назарий билимларни эгаллаш имкониятини беради, бу эса ўқувчининг мустақил фикрлаши, эркин бўлиши, ўз кучига ишончини таъминлайди ва оширади.

Маълумки, Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар жараёнининг ўзига хос бўғини сифатида чет тилларига ўргатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Бунда бир томондан, бизга қардош бўлган ва анъанавий тарзда бизнинг ҳудудимизда яшаб келган халқларнинг тилларини ўқитишни сақлаб қолиш, уларни кучайтириш ва кенгайтириш, иккинчидан эса, жуда катта кизиқиш уйғотган хорижий тилларни,

хусусан, Ғарб ва Шарқ халқлари тилларини ўқитишни кучайтириш йўлидан борилди.

Шу билан бирга, айнан мустақиллик йилларида расмий таълим тизими билан биргаликда республикамизнинг барча ҳудудларида норасмий ва ноформал хорижий тилларни ўқитиш, уларда ўқувчиларни чет тиллари бўйича тестлар топширишга мақсадли тайёрлаш ёки ўқувчиларнинг тил малакасини ўстириш марказлари кўплаб очилди ва улар кенг фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, кўпчилик хорижий давлатларнинг элчихоналари қошида тил ўқитиш марказлари ҳам очилган бўлиб, улар истак билдирганларни ўз мамлакатига тилига ўқита бошлади. Мана шундай тил марказлари Германиянинг DAAD, Кореянинг KOICA, Япониянинг JICA, Исроилнинг MASHAW, Ҳиндистон маданият маркази, АҚШнинг EDUCATIONAL EXCHANGE PROGRAM, Буюк Британиянинг BRITISH COUNCIL каби ташкилотлари, уларда ташкил қилинган ресурс марказлар, маданият марказлари, кутубхоналар, интернет материаллари, туиторлик хизматлари, стажировкалар ва хорижий элларга танлов асосида ўқишга юбориш хизматлари, шунингдек, Хитой, Франция ва бошқа элчихоналарда ташкил қилинган тил марказлари орқали фаолият олиб бормоқда. Элчихоналар таркибида тиллар бўйича турли танловлар, хорижий стажировкалар ўтказиш анъанага айланган.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда турли маданият марказлари фаолият олиб боради. Масалан, республикада мавжуд элликка яқин маданият марказларида Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар маданиятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида 12 та миллий марказлар фаолият олиб боради. Улардан – немис, поляк, яҳудий, турк, озарбайжон, татар-бошқирд, крим-татар, рус ва бошқаларни санаб ўтиш



мумкин. Мана шу марказларнинг ҳар бирида маданий марказга тааллуқли бўлган мамлакатнинг миллий тилини ўқитиш курслари фаолият олиб боради.

Тошкент шаҳрида ишлаб турган 30 та театрлардан 10 таси рус тилида фаолият юргизади.

Бинобарин, кўпчилик олимлар чет тилини ўзлаштириш жараёнини инсон психологияси, когнитив психология ва таълим жараёни билан узвий боғлайдилар. XXI аср шароитида бир ва бир неча чет тилларни билиш, уларни ўзлаштириш ва ўз касбий фаолиятида қўллай олиш талаб этилмоқда. Шу боис, мутахассисларнинг иш топиш, иш ўринларига эга бўлиш ва ишга жойлашиш жараёнида уларнинг қанча чет тилларни билиши анкета сўровларининг бош масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бинобарин, рақобатбардош кадрларни шакллантириш уларнинг чет тилларни эгаллаганлик даражаси билан узвий боғланмоқда.

Чет тилларни ўрганишда миллий анъаналар, кадриятлар, Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг қарашлари тизими, тил ва ундан фойдаланишга оид ислом маданияти, тил амалиёти ва тил назарияси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар аҳамиятли бўлиб, уларнинг барчасини ва мавжуд имкониятларнинг барчасидан унумли фойдаланиш тақозо этилади.

Шундай қилиб, чет тилларни ўқитишда ўзига хос педагогик тамойиллар тизими мавжуд бўлиб, мазкур тамойиллар чет тилларига бўлган ижтимоий муносабатни, чет тилларни ўқитиш учун яратилган педагогик шарт-шароитларни, чет тилларни ўрганишда индивиднинг тайёрлиги, лаёқати, қобилияти, шунингдек, унинг шахсий психологик ва эмоционал хусусиятларининг мос келиши, чет тилларини ўрганишда мамлакатимиздаги давлат сиёсатининг жорий этилиши каби тамойилларни ўз мазмунига қамраб олади ҳамда мазкур тамойиллар мажмуаси чет тилларни ўрганишда педагогик самарадорлик асосини ташкил қилади.

Бугунги кунда чет тили ўқитувчиси маҳорати масалаларига жуда катта талаблар қўйилмоқда. Улар ичида анъанавий педагогик талаблар қаторида, янги инновацион технологияларни билиш, уларни амалий жиҳатдан дарсларда қўллай олиш, интерфаол дарс ишланмаларини ишлаб чиқиш кабиларни эслатиб ўтиш жоиз. Бинобарин, тажриба-синов ишлари жараёнида инглиз тили ўқитувчисининг педагогик маҳорати масалалари анъанавий талабларнинг барчасини ўз мазмунига қамраб олиши аниқланди.

Адабиётлар:

1. Маҳмудова М., Азизова Г. Ўзбекистонда чет тилларни ўқитишга оид давлат сиёсати ва унинг аҳамияти. –Самарқанд, 2013, 55 б.

Маҳмудова М. Педагогические основы обучения иностранным языкам. Овладение иностранным языком – специфический этап формирования человека с педагогической точки зрения. В статье рассматриваются национальные традиции, взгляды просветителей Востока и Запада на проблемы изучения иностранных языков.

Maxmudova M. Pedagogical principles of foreign language teaching. Foreign language acquisition is a special stage in human development from pedagogical point of view. This article deals with the national traditions and views of Western and Eastern educators towards foreign language acquisition issue.



АНАФОРИЧЕСКИЕ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫЕ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА СО ЗНАЧЕНИЕМ ПРОТИВОПОСТАВЛЕНИЯ: СЕМАНТИЧЕСКИЙ И ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ АСПЕКТЫ

*Киселев Дмитрий Анатольевич,
к.ф.н, докторант СамГИИЯ*

Ключевые слова: анафора, анафорические прилагательные, связность текста, дискурс.

Анафорические элементы играют ключевую роль в обеспечении связности текста вообще и тематической прогрессии в частности [Charolles 2002:5] и их изучение востребовано в современной парадигме лингвистических исследований. Анализ работ, посвященных изучению анафоры, позволяет заключить, что она реализуется во всех знаменательных частях речи. Однако основное исследовательское внимание сконцентрировано на изучении именной и прономинальной анафоры, что, впрочем, вполне обосновано, учитывая масштаб явления именно в рамках имени существительного. Анафорические единицы, относящиеся к другим частям речи, в частности к прилагательному, изучены сравнительно мало [Noailly 1990:25]. Мы намерены восполнить существующий пробел путем выявления и анализа прилагательных французского языка, которые могут быть квалифицированы как анафорические, с последующей классификацией единиц и детальным рассмотрением одной из групп анафорических прилагательных. Материалом исследования послужили тексты современной французской художественной прозы, электронной прессы, интернет-сайтов, а также корпусные данные французского языка Corroga.

Исследователи имени прилагательного традиционно отмечают его тесную связь с существительным [Goes 1993: 11]. В ряде случаев, прилагательное прямо квалифицируется как часть имени существительного. Причиной тому служит очевидная семантическая и синтаксическая зависимость прилагательного от

существительного. Мы не склоняемся к этой точке зрения, считая прилагательное, несмотря на неоднородность его состава, самостоятельной частью речи, которое семантически и функционально связано с существительным, ср.: "L'adjectif prototypique nous apparaît comme une partie dudiscoursdontlafonctionprincipaleestl'assignationd'unequalité à unsupport, unesubstance." [Goes 1993: 14].

Исходя из вышесказанного, логично предположить, что анафорическая функция, относящаяся, в первую очередь, к имени существительному, реализуется также и в плане имени прилагательного. Так, по аналогии с именем существительным, возможным оказывается обнаружить в классе имени прилагательного единицы, по формально-грамматическим признакам относимые к прилагательным, а функционально сближающиеся с анафорическими единицами других частей речи.

Учитывая, с одной стороны, общие характеристики лингвистической анафоры, а, с другой стороны, семантическую и синтаксическую специфику имени прилагательного, мы предлагаем определить анафорические прилагательные как *языковые единицы, служащие для указания на признак субстанции путем соотношения с вербальным выражением данного признака в тексте*. Таким образом, анафорические прилагательные не выражают признак, а лишь указывают на него. Указывая на наличие в классе имени прилагательного группы анафорических единиц, исследователи традиционно выдвигают на первый план прилагательные детерминативного



характера (possessifs, démonstratifs) [Гак 2001:104]. Проведенный нами анализ текстов на французском языке позволил нам не только расширить данный список, за счет включения в него собственно анафорических прилагательных, но и предложить принципы классификации данных единиц, а также определить условия их функционирования.

Мы полагаем, что анафорические прилагательные, на основании отношений между ними и репрезентируемыми прилагательными (антецедентами), могут быть сгруппированы по принципу отношения: а) идентичности (identité); б) противопоставления (opposition); и в) отличия (différence). Мы не считаем настоящую классификацию единственно возможной, а представленный ниже перечень анафорических прилагательных исчерпывающим, однако исходим из того, что перечисляемые единицы охватывают значительную часть исследуемого феномена – анафора в плане имени прилагательного, а также предлагаемый принцип классификации подтверждается фактами речи.

В настоящей публикации мы намерены развернуто представить семантические и функциональные особенности анафорических прилагательных французского языка, опирающихся на значение противопоставления (relation d'opposition).

Указание на признак субстанции также может основываться на отношении противопоставления (opposition) между анафорическим прилагательным и референтом. Анализ текстового и словарного материала позволил нам выделить ряд прилагательных французского языка, при помощи которых можно выразить значение противоположности того или иного признака существительного, в частности inverse, contraire, opposé, antagoniste, antithétique, antonyme, antinomique, incompatible, contradictoire. Однако частотность употребления подобных прилагательных в анафорической функции

неодинаково. Наиболее частотными являются inverse, contraire и opposé. Рассмотрим особенности функционирования данных анафорических прилагательных в тексте.

Так, прилагательное inverse указывает на обратный порядок или обратное направление, ср.:

Enfin, sous les dernières caises, il vit un grand coffre, qui avait les dimensions d'un cercueil.

Ugolin voulut le soulever, mais le muletier se mit à rire.

"Oh! celui-là, dit-il, il faudrait être au moins quatre pour le porter!..."

- Mais comment avez-vous fait pour le charger?

- Pour le charger, dit le bossu, nous avons d'abord installé le coffre sur la charrette, puis nous y avons mis les outils les uns après les autres; nous allons maintenant faire l'opération inverse!" (Marcel Pagnol)

Прилагательное inverse указывает на порядок действий, противоположный (обратный) тому, что выражен в левом контексте. При этом, существительное opération резюмирует комплекс действий, представленный в левом контексте – порядок загрузки ящика сельскохозяйственными инструментами. Таким образом, становится возможным указать на признак субстанции, за которым стоит выражение действия, в рамках конкретной коммуникативной ситуации. Наличие в тексте вербального выражения порядка действий позволяет указать на предполагаемый обратный порядок. Анафорический элемент – прилагательное inverse – привязан к референту и может быть осмыслен лишь в рамках данной коммуникативной ситуации. Наличие вербально выраженного референта в данном случае обязательно, ср.:

Arrivé au point de rupture avec Citroën, Sébastien Ogier s'en serait vulubérément engagé. Le Français partirait chez Ford pour prendre la place de Mikko Hirvonen, qui ferait le chemin inverse. (Corpora)

В данном примере, левый контекст выражает совершаемое (предполагаемое)



действие – переход французского автогонщика из команды Ситроен в команду Форд. Наличие вербально выраженного референта делает возможным указать, при помощи анафорического прилагательного *inverse*, на возможный обратный порядок действия, т.е. становится понятно, что финский автогонщик планирует перейти из команды Форд в Ситроен (совершить обратный путь). В данном примере также зафиксировано употребление существительного, резюмирующего совершаемое действие - *chemin*.

Близким по значению оказывается прилагательное *contraire*, которое также опирается на противопоставление признаков, ср.:

Avant tout achat, assurez-vous que ce n'est pas une oeuvre d'art car les contrôles douaniers sont très stricts. Vous devez déclarer les objets culturels. Dans *le cas contraire*, ils seront confisqués ou très lourdement taxés. (easyvoyage.com)

Адекватная интерпретация анафорического прилагательного и существительного, которое оно характеризует, возможна лишь при наличии в тексте вербально выраженного описания ситуации. В некоторых случаях, референт в значительной степени "растворен" в тексте или удален от анафорического элемента, но, тем не менее, воспринимается однозначно, что и позволяет, в свою очередь, адекватно интерпретировать анафорическое прилагательное, ср.:

Ugolin [...] dit à mi-voix:

"Le Bossu est arrivé. Avec sa femme et sa fille. Tout un déménagement. Ils sont en train de s'installer. [...]"

- Galinette, il ne faut pas toujours croire le pire. Moi je te dis qu'un jour ou l'autre tu verras revenir cette charrette pour faire le déménagement *en sens contraire*... (Marcel Pagnol)

В данном случае, ключевым элементом, по отношению к которому можно определить обратное направление движения, следует считать глагол *arriver*,

хотя он расположен в тексте, как, впрочем, и в реальной коммуникативной ситуации, на значительном удалении от анафорического прилагательного.

Прилагательное *opposé* лишь в части контекстов может быть квалифицировано как анафорическое. В подобных случаях, для адекватной идентификации анафорического прилагательного необходим вербализованный контекст, служащий референтом, ср.:

Sur le trottoir **opposé**, deux vitres abritent de gigantesques bouquets de fleurs de soie blanches et vertes. (ledevoir.com)

При этом нами было отмечено, что прилагательное *opposé* часто употребляется катафорически, т.е. предшествует в тексте референту, ср.:

Macron - Le Pen : *des programmes diamétralement opposés*

On ne trouve quasiment aucune similarité dans les programmes des deux qualifiés pour le second tour de la présidentielle. Que ce soit sur les questions économiques, européennes ou sur l'immigration, la famille ou la culture. (franceculture.fr)

Очевидно, что заголовок публицистической статьи предвосхищает демонстрацию расхождений программ кандидатов.

Оставшаяся часть прилагательных, которые могут функционировать в качестве анафорических единиц, опираясь на отношение противопоставления – *antithétique*, *antinomique*, *antagoniste*, *antonyme*, встречаются в текстах гораздо реже. Используемые преимущественно в официальных и научных текстах, данные анафорические прилагательные указывают на полную противоположность вербализованному признаку субстанции, ср.:

Elle est exactement *antithétique de la position consistant à ne voir dans l'histoire que des détails incohérents ou des représentations quasiment sans référent*. (Corpora)

La seule attitude qui pourrait nous faire sortir de ce perpétuel va-et-vient, serait



d'adopter *une penséeantinomique* où puissent coexister ces forces contraires placées dans leurs justes rapports. (Corpora)

Aux Etats-Unis, Hollywood retrouve sa vocation d'industrie du rêve sans pour autant négliger les scénarii développant *le thèmeantagoniste*, celui de la désillusion. (Corpora)

Selon le souhait de Nicolas Sarkozy, ce week-end se devra synonyme d'unité, soit *antonyme* de l'université d'été du PS, qui s'est tenue une semaine auparavant à La Rochelle. (lejdd.fr)

Анализ примеров убеждает в том, что данные анафорические прилагательные реализуются в тексте по тем же принципам, что и более частотные *inverse* или *contraire*. Обязательным условием адекватной интерпретации анафорического прилагательного является наличие вербально выраженного референта. При этом, следует отметить, референтом не всегда бывает иное прилагательное и данное обстоятельство заслуживает отдельного исследовательского внимания.

Литература:

1. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. М.: Добросвет, 2001.
2. Charolles M. La référence et les expressions référentielles en français. Paris: Edition Ophrys, 2002.
3. Goes J. À la recherche d'une définition de l'adjectif. In: L'Information Grammaticale, N. 58, 1993. pp. 11-14.
4. Noailly M. Le substantif épithète. Paris: PUF, 1990.

Киселёв Д. Зиддият маъносига эга француз тили анафорик сифатлари: семантик ва функционал хусусиятлари. Мақолада француз тили анафорик сифатларининг семантик-функционал хусусиятлари таҳлил қилинган. Мазкур турдаги сифатлар матнда ифода топган субстанцияга мазмунан қарама-қарши субстанция кўринишларига ишора қилади. Алоҳида эътибор ушбу бирликларнинг матнда фаоллашувига қаратилади.

Kiselyov D. Anaphoric adjectives of opposition in French: semantic and functional aspects. This article deals with some anaphoric adjectives in French language which refer to a substance' attribute semantically opposed to this verbalized in the text. A special attention is paid to the study of functioning principles of anaphoric adjectives of opposition in the texts' space.



ПРИНЦИПЫ РЕАЛИЗАЦИИ ТЕКСТОПОРОЖДАЮЩИХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ФРАЗЕОЛОГИИ В РАЗГОВОРНОЙ РЕЧИ (РР)

Яхшиев Ашур Абдиевич,

кандидат филологических наук, доцент СамГИИЯ

Ключевые слова: контекст, фразеология, разговорная речь, словоформа, компонент, реплика, диалог.

Фразеологические единицы (ФЕ) широко используются для поддержания связи между сорасполагающимися репликами диалогического единства (J.C.P. Auer, 2004, с. 42-43). Выбор ФЕ для связи между сорасполагающимися репликами обуславливается характером предыдущего и последующего значения разговорного контекста. Другими словами, ФЕ в начале реплики на предыдущее замечание означает чаще всего реакцию второго партнера на высказывание первого. Чаще всего это может быть согласие, несогласие, возражение, сомнение (R. Barthes, 1997, с. 28). Так, резко отрицательное отношение второго партнера на реплику первого приводит к употреблению ФЕ, означающей ту или иную семантику приказного характера, передающей значение призыва или приказа к прекращению разговора, в виду несогласия с мнением первого партнера. Поэтому ФЕ, выносимые в начало реплики второго партнера по диалогу, зачастую оформляются в виде синтаксически законченного предложения (T. Ballmer, 2004, с. 288-289). Его назначение состоит в том, чтобы показать общее отношение второго партнера к высказыванию первого. Такое предложение-ФЕ выступает как бы общей доминантой последующей части диалогического единства. Ср. употребление в подобной функции ФЕ den Mund halten ‘держат язык за зубами, помалкивать, не проговориться’: Tomas: Und dann bist du avanciert: doppelter Sold, Eintritt ins Waffenamt, das Ministerium – Beschaffungsprovisionen, Prozente von den Armeekantinen, zollfreie Autos aus den USA... Es hatte sich gelohnt. / General unwilli: Halt den Mund! Schluck’s hinter,

nieß es damals, friß oder krepier! Dir bleibt das alles erspart, mein Junge. Mit dir meint man es gut (14, с. 18); General außer sich: Halt den Mund! Du hast uns alles verdorben! (14, с. 90).

В функции согласия употребляется ФЕ schon gut ‘не стоит!’ (в ответ на выраженную благодарность); ‘ничего!’ (в ответ на извинение) в виде отдельного предложения, с которого начинается развернутая реплика: Tomas aufspringend: Adjutantur des Wohltäters des Vaterlands... / General: Schon gut. Na, kommt ihr vorwärts? Hier, nimm mal. (14, с. 35).

Фразеология реализует в РР и другие текстообразующие функции (В.М. Савицкий, 1996, с. 14). Нередко при этом достигается семантико-образное единство весьма значительного по объему диалогического контекста. Обычно его структурное развитие происходит на основе обыгрывания стержневых компонентов ФЕ, которая вводится в фрагмент РР как его смысловая доминанта. Именно подобным образом построен следующий фрагмент РР с опорой на ФЕ auf das falsche Pferd setzen ‘поставить не на ту лошадь; сделать неверную ставку, ошибиться в расчете’: “Sie haben eben auf das falsche Pferd gesetzt und – verloren!” / “Die Politik ist doch kein Pferderennen!” / “Nein? Meinen Sie?” Der Heildiener lächelt. “Ich... ich weiß nicht, ich glaube es manchmal doch. Mal setzt man falsch, mal richtig. Ich hatte den richtigen Riecher gehabt!” Der Heildiener tritt dicht an Torsten heran. “Was hätten Sie im vorigen Jahr gemacht, wenn Sie gewußt, geahnt hätten, was dieses Jahr brachte?” / “Ich habe es gewußt!” / “Wa – as? Sie wollen mir erzählen, Sie haben im vorigen Jahr gewußt,



daß im Jahre 33 der Nationalsozialismus an die Macht kommt!“ / “Das wußte ich zwar nicht genau. Aber die Chancen des Faschismus sind groß gewesen, man muß die Klassenkräfte, die dabei entscheidend mitwirken, kennen!“ / “Und Sie haben aus dieser Erkenntnis keine Konsequenzen gezogen?“ / “Wie meinen Sie das? Ich sagte doch schon: Politik ist kein Pferderennen!“ / “Sie wollen mir also erzählen, daß Sie ganz bewußt in Ihr Unglück gegangen sind?“ / “... Aber ich kämpfe für den Sieg der Arbeiter, für den Sozialismus und laufe nicht mit jedem Pferd, das im Augenblick Siegeschancen hat!“ / “Und Sie selber gehen dabei womöglich vor die Hunde!“ (2, с. 136-137).

Семантико-образная основа приведенного разговорно маркированного текста полностью обусловлена своей доминантой ФЕ auf das falsche Pferd setzen. Последующий за ней текст во многом опирается на обыгрывание составных компонентов этой ФЕ. Прежде всего это использование субстантива Pferd, который в большей мере соотносится с исходным образным представлением рассматриваемой ФЕ (свидетельствуя о ее происхождении и речевом употреблении). Так, вводится композита Pferderennen ‘скачки’, в результате чего воссоздается картина динамичных скачек лошадей на ипподроме. Подобная буквализация ФЕ происходит однако лишь с сохранением метафорического переноса в конструировании новых текстовых единиц, производных от исходной доминантной ФЕ. Ср. дважды повторяемое предложение Politik ist kein Pferderennen! ‘политика – это не ипподромные скачки’. Точно так же исходной образной основой ФЕ-доминанты прямо объясняются такие разговорные отрезки, как: “Mal setzt man falsch, mal richtig”; “... Aber ich kämpfe für den Sieg der Arbeiter... und laufe nicht mit jedem Pferd, das im Augenblick Siegeschancen hat!” (с реализацией вычленившихся из доминантной ФЕ слов-компонентов falsch, setzen, Pferd). Разумеется, кроме того, на построении всего этого диалога (где раскрываются

полярные идеологические позиции) сказывается семантическое противопоставление, заключенное в образной основе доминантной ФЕ.

Бу ўринда ҳам кўнгил тимсоли Юсуф билан монанд равишда талқин этилади. Кўнгилнинг юзга ишқи – зулф ва занахдонга тузоқ этилганидир. Бу ишқ боис Юсуфнинг банди этилишига ўхшатилади. Шу жойга келиб бир мулоҳазани айтиб ўтиш керак бўлади. Биринчидан, кўнгилни Юсуфга қиёс этиш ҳам бетакрор талқиндир. Иккинчидан, “Юсуфнома”ларда Юсуфнинг банди этилишига бир сабаб Зулайҳо ишқини рад этишидан келиб чиқади. Яъни, сюжетда Юсуф зиндонга ташланган бўлса, шоир талқинида ошиқ кўнгилга банди этилади (“Юсуфни севган уни зиндонбанд этишни орзу қилади”). Байт тасвирида худди Қуръондаги каби Зулайҳо номи учрамайди. Аммо унга “Юсуфни севанлар” тарзида ишора этилади. Шундан Юсуф ва кўнгил маъшукни ошиқ этган ҳусн шоҳига мажоз бўлиб келади. Янада аниқроғи бадий талқинларда кўнгил ва Юсуф ишқга мазҳар бўлганлиги билан ҳам ўзаро мос ва хос тимсоллик касб этади. Атойи талқинича, Юсуфга зиндон ишқ тузоғи бўлгани каби кўнгилга сақоқ чуқурлиги шул юзга ошуфталик тузоғидир. Шу тариха бадий талқинлардан Яъқубни “пири Канъон” тарзида таъриф билан қўллаш ҳам Атойи топилмаларидан саналади. Албатта, мумтоз адабиётимизда Одам – “Абулбашар”, Нуҳ – “Шайх ул-анбиё”, Иброҳим – “Абул анбиё” тарзидаги номларда ҳам талқин этилади. Лекин “Канъон пири” шаклида тавсиф Атойи талқинидагина учрайди.

*Умри жовидон берурда, Хизрга оби
ҳаёт,*

*Шарбати лаъли лабингдин олди
қатра чошни.*

*Неча йиғлай ҳасратингда пири
Канъони бикин,*

*Раҳм қил, охир йигитсен, кўр,
кўзимда ёшни.*

Мисраларда: “оби ҳаёт - Хизрга абадийлик умрини бераётганда, бир қатра

тотни сенинг лаъли лабингнинг шарбатидан олди. Пири Канъондек сенинг ҳасратингда қанча йиғлайин, ахир, раҳм қил, кўзимдаги ёшларни кўр”, – мазмунидаги фикрлар баён этилади. Бу ўринда “кўр” икки хил маънода, яъни “кўрмоқ” феъли ва “кўр кўз” маъносида сифатни англариб келмоқда. Иккинчи маънода Яъқубнинг жигарғўшаси Юсуф дардида кўзи кўрмас бўлиб қолганлигига ишора бор. “Қисас ул-анбиё”ларда гўзаллик ҳақида гап кетганда аёллардан биринчи заифа Ҳавога, эрлардан эса Юсуфга беқиёс чирой ато этилганлиги қайд этилади. “Қисас ар-Рабғузий”да келтирилишича, Аллоҳ таоло кўркни юз бўлак қилади. Тўксон тўккиз қисмини Ҳавога, бир улушини қолган ҳаммага беради. Шу бир улушни ҳам ўнга бўлади ва тўккиз қисмини Юсуфга, бир қисмини бошқаларга беради. Момо Ҳаводан кейин гўзаллик Зулайҳога ҳам нисбат берилган. Лекин бадий талқинларда Ҳаво ёки Зулайҳо эмас, балки Юсуф ҳусну малоҳат тимсоли бўлиб келади. Умуман мумтоз тасвирларда Лайли, Ширин, Узро, Дилором кабилар ҳам дилдор образлар сифатида ишқ маҳзари деб талқин этилса-да, кўркамлиқ тимсоли деб мадҳ этилмайди. Бу, фикримизча, Шарқ наздида аёл гўзаллиги ички сир деб қабул этилиши билан боғлиқлигида бўлиб, уни ошкор этиш бадий талқинда мафтункорлик ҳисобланмаслиги билан характерланади. Шу боис Атойи “у ҳуснда Юсуфдек бўлса, мен пири Канъон, кўзимга малҳам ҳам кор қилмайди”, - дейди.

*Гарчи Юсуфтек бўлубтур, ҳусн
мисринда азиз,*

*Пири Канъонмен, кўзумга тўтиё
раҳм айламас.*

Бу ўринда ҳам Яъқуб фарзанди дардида кўзлари кўр бўлиб қолганлиги воқелиги лирик ифодага асос бўлган. Байтда сўзнинг маъно кўчиш усулидан усталиқ билан фойдаланилган. Унда “Миср” атоқли отдан турдош отга айланган бўлса, “азиз” отдан сифатга кўчган, Юсуф “тек” қўшимчаси билан ташбиҳ этилган, Яъқуб “пири Канъон”



сифатида ишлатилган. Атойи лирикасида Юсуф тимсоли билан боғлиқ бадий топилмалардан бири “Байтул-аҳзан” (ғам уйи) тимсоли ҳисобланади. У шоир шеъриятида “кўнгил уйи”га қиёс этилади. Манбаларда “Байтул-аҳзан” ўз фарзандидан айрилган Яъқуб пайғамбар томонидан қуриб олинган уй эканлиги айтилади. У Атойи талқинида “Солиб борма мени, эй Юсуфи ҳусн, Бу кун Яъқубтек Байтул-ҳазанда”, - тарзида ифодаланади. Шундан гўё лирик қаҳрамоннинг “кўнгил уйи” Юсуфидан айрилган Яъқубдек “Байтул-аҳзан”га айланган. Сен Юсуфга ўхшаб менинг “Байтул-аҳзан кўнглим”га назар ташлагин – дейди. “Байтул-аҳзан айладим кўнглим уйин Яъқубтек, Қил назар Юсуф менгизлик Байтул-аҳзон кўнглима”. Ёки бошқа бир мисраларда Юсуф – ҳуснга, Яъқуб - дардга, Байтул-аҳзан – кўнгилга ташбиҳ этилиб, бетакрор бадий-эстетик манзара яратилади. Яъни: “сенинг ҳуснинг билан менинг куюк дардим оламини тутди. Юсуф, Яъқуб ва Байтул-аҳзандан сўз юритишнинг ҳожати йўқ”, - деган мазмунда фикр билдиради.

Дунёни тутти санинг хуснунг била дардим сўзи,

Юсуфу Яъқуб ила байтул ҳазандин ким десун?

Шулар қатори Юсуфнинг зиндонда чизган сурати, молга сотилгани воқеалари ҳам шоир шеъриятида турли рамзий тасвирларига эга. Айниқса Атойи лирикасида Юсуф билан Зулайҳо образлари биргаликда тасвир этилган ўринлар ҳам учрайдики, бундай талқин бошқа бир шеърий ижод намуналарида кўп ҳам кўзга ташланмайди. Яъни, “Юсуфнома”лар шу икки образ ва улар орасидаги ишқ туфайли китобхонларни ўзига кўпроқ мафтун этган бўлса-да, бироқ лирикада улар орасидаги ишқ ёки бошқа масалалар рамзий – мажозий талқинларда ҳамкорликда иштирок этмайди. Бу эса “Юсуфнома” мавзусининг ниҳоятда бир ўзига хос олам эканлигини ҳам кўрсатади. Шарқ мумтоз талқинларида ишқ ва ошиқлик мавзуси ҳижрон, висол сингари

тушунчалар билан бутунлик касб этади. “Юсуфнома” ҳам аслида буюк ишқ достони, аммо унда акс этган ишқ мазҳари “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Вомиқ ва Узро”лар билан таққосланиши ўзга руҳда бўлиши лозим. Яъни, бунда Юсуф тимсоли Ширин, Лайли, Узро каби ишқ мазҳаридир. Шунинг учун бошқа ошиқ ва маъшук жуфтликлари бир ўринда тасвирланади. Лекин Юсуф ва Зулайҳо образларида бундай ҳол баъзи сатрлардагина учрайди. Тасвир этилганда ҳам ўзида ишқ алангасини уйғотган “ҳусн шоҳи”, Зулайҳони “ор-номус пардасидан чиқарган” хилқат Юсуф образида ифодаланади. Буни Ҳофизнинг машҳур: “Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзалликдан аниқ билдим, Чиқармиш ишқ номус пардасидан Зулайҳони” мисралари ёки Бимий қаламига мансуб “Ўртанди Зулайҳо кўп Юсуфнинг фироқида, Ҳар балдада дилдори бегона экан мендек”, - сатрлари мазмунидан ҳам илғаш мумкин. Атойи шеъриятида ҳам худди шунга ўхшаш талқин кузатилади.

Ишқ мисринда азиз ўлмас Зулайҳодек киши,

Кечмайин Юсуф учун номусу нангу ориддин.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкид этиб ўтиш керак. Мумтоз шеъриятда Юсуф образига мурожаат этилганда кўпинча “азиз” сўзи қўлланилади. Бу мумтоз шеър поэтикасига хос қонуниятдан бири саналади. Унга кўра, муайян бадий тасвир яратилганда бир тушунча доирасидаги уядош ифодалар битта марказда тўпланади. Буни таносуб санъати деб ҳам атайдилар. Лекин масаланинг эътиборли жиҳати шундаки, шу бир доирадаги тушунча ёки сўз бутунлай ўз маъносидан ташқарида бўлиб келади. Чунончи Атойининг ушбу сатрларидаги “миср”, “азиз” каби сўзларни айтилганларга мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шеърда оддий поэтик сўз бўлиб келган бу тушунчалар аслида “Юсуфнома”ларда асосий ўрин тутадиган жой ва образлар ҳисобланади. Ушбу байтда ҳам Ҳофиз, Бимий талқинлари



сингари оҳанг акс этган. Яъни унда: “Юсуф учун ор-номусдан кечмасдан туриб ишқ бобида Зулайҳодек муҳтарам бўла олмайди”, – тарзида фикр бор. Бу халқона таъбир билан айтилганда “жон чекмасанг жонона қайда” ҳикматига мос келади. Демак, мумтоз лирикада “хусн” масаласи алоҳида бир оламдир. У ўзида ишқ зухуроти, камол тажаллиси, мукаммал ҳақиқат ва мутлақ жамол руҳини ифодалаб келади. Атойи таъкидлаганидек, “Миср шаҳринда Зулайҳони азиз Юсуф учун, Хор қилғон ер тубиндин ҳам чикориб хусн эрур”дир. Яъни, Зулайҳони Миср шаҳрида хор қилган Юсуф эмас, балки унда зоҳир бўлган шу хусн ҳисобланади. Шундан мумтоз тасвир бадиияти учун “жонбахш лаб” – Масиҳога, “хусн” – Юсуфга, “малих жамол” – Ҳабибга қиёсланади.

Бу лаби жонбахшу бу хусну малоҳат сендадур,

Ё сени Юсуф десунлар, ё Масиҳо, ё Ҳабиб.

Мавлоно Атойи талқини бўйича ҳам “хусн” кўп маъноли тушунчадир. Унинг мажози одамий жамол бўлса, ҳақиқати илоҳий кўрк саналади. Бунда у ҳам ўзида, ҳам ҳақиқатда гўзалликни билдиради. Буни моҳиятан “Аллоҳ гўзалдир ва у гўзалликни севади”, - қудсий ҳадисининг бадиий талқини дейишимиз ҳам мумкин. Шунга монанд равишда “кўз”, “лаб”, “юз”, “хат”, “хол”, “қош”, “зулф” каби тимсоллар ҳам бутунни бўлак билан ифодалайди, холос. Бошқача айтганда сўзлар синекдоха асосида маъно кўчади. Яъни, мумтоз шеърятда бу тимсоллар тасвирланганда шу узвлар ўз маъноси билан бунчалик дилдор туйғулар, романтик кечинмалар уйғотишга қодир ҳам эмас эди. Бу адабиёт сўзлар жилоси, маънолар ифори, мажозлар салтанатидан иборатлиги билан ҳам изоҳланади. Шу билан бирга бу тимсоллар бадиий талқинда “жинс”, миллат ёки элат ифодаси билан ҳам характерланмайди. Агар белгиланганда дилдор образининг туркона ёки бошқа миллий руҳдаги қиёфасини топишда мушкулотларга дуч келинар эди. Мумтоз адабиётда ишқ махзари бўлиб

келадиган тимсоллар хилма – хилдир. Бунда образ чин бир маънода дилдорлик ва ошуфталик рамзи бўлиши талаб этилади. Шунинг учун улар гоҳ Чиндан, гоҳ Мочиндан, гоҳида санам, гоҳида тарсо тимсолларида ҳам тасвир этилаверади. Хуллас, бунда образ рамзияти қандай типлигидан фарқсиз ҳолда бадиий – эстетик ҳис, дилдор руҳ касб этиши, тасвир табиийлигига эришиш санъати лозимдир. Шу боис Атойи бир ғазалида “илоҳий руҳ мужассам лабингда Исо нафаси зухур этади, хуснингга фалаклар ошиқдир, парилар ҳайратдадир, одамийлар қулдир”, - деса, бошқа бир асариде “хусн, малоҳат, карам, латифликлардан биттасигина Юсуфда бор бўлса, сенда бори, яъни ҳаммаси бор”, - дейди.

Эй мужассам руҳдин лаълингдатур Исо дами,

Хуснунга ошиқ фалак, ҳайрон пари, қул одами.

* * *

Хусну малоҳату караму лутф бобидин,

Юсуфқа бири бўлса, бегим сизда бори бор.

Шу ўринда яна бир фикр ёдга келади. Атокли адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романида “бегим” сўзи ниҳоят бир назокат билан Қумушбиби тилидан Отабекга нисбатан қўлланилади. Бу сўз туркона “бек” сўзига “им” эгалик қўшимчасини қўшишдан ҳосил бўлган. Худди шу сўз Абдулла Қодирийдан бир неча аср илгари Атойи шеърятда маъшуқа маъносида бадиий ифодасини топган. Яъни, юқоридаги байтларнинг биринчисиде ёрни бутунликда ифодалайдиган сифат келтирилмасдан, у бўлакликда “лаълинг” ва “хуснинг” тарзида ишлатилган бўлса, иккинчисиде бўлак шаклида эмас, балки бутун тарзда “бегим” деб ишлатилган. Ёхуд Атойининг бошқа бир “сизсиз манга” радифли ғазалида “Эй бегим” ундалма вазифасини бажарган. Бунда лирик қаҳрамон ошиқ: “Эй бегим, менинг танамга сизсиз жон ҳам, Хизр ҳаёти ҳам, абадийлик умри ҳам керак эмас”, - демокда



(“Эй бегим, валлоҳ, керакмас танда жон сизсиз манга, Ҳам ҳаёти Хизру умри жовидон сизсиз манга”). Эътиборлиси “бегим” ифодаси Атойи лирикасида гоҳида учрайдиган тасвир ҳам эмас, балки у анча самарали ўринни ташкил этади. Бундан кўринадики, туркий – ўзбек тилида бирйўла ошиқ ва маъшукни англатувчи бир шаклли сўзлар қадимда ҳам кўп қўлланилган экан. Атойи шеъриятида аҳли нубувват тимсоллари талқини билан боғлиқ бундай бетакрор бадиий топилмалар, ташбиҳу қиёс-таққослар, рамзий тасвир ва мажозий ифодалар кўп учрайди. Мавзу таҳлилини нубувват нури талқини масаласи билан бошлаган эдик. Хулосани ҳам шу тарзда яқун этиб, Атойининг ушбу мисраларига эътибор қаратиш лозим кўрилди. Бунда “қаро зулф” тимсоли матн мазмунини бошқариб беради. Байтни сиртдан таҳлил этсак, “сенинг қаро зулфинг қаролигида куффорлик намоён этиб, энгингни Мустафо нури, холингни Билол айлайди” – дейилган фикрни уқиб олишимиз мумкин.

Қаро зулфунг саводидин румузи куфр этиб зоҳир,

Энгингни Мустафо нури, менгингни ҳам Билол айлар.

Бу мисралар ички маънолар сатҳида бир томондан қаршилантериш санъати ҳам жо этилган. Унда зулф бирйўла куфр ва имон зоҳир этмоқда. Зулф тимсоли маърифий талқинларда ҳам кўп маъно ифодалаб келади. У онг ва идрокдан ташқарида бўлган ғайб оламини англатади. Тасаввуф манбаларида бир жиҳатдан куфр зулумотига, бир томондан тажалли нурига румуз бўлиб келиши ҳам таъкидланади. Байт мазмуни ҳам шунга ишора этмоқдадир. Энди шеърдаги иккита масалага эътибор қаратсак. Биринчиси,

“Мустафо нури” масаласи бўлиб, мумтоз ижод соҳиблари бу ҳақда руҳбахш сатрлар битганлар. Уларда “нур” набийлик инъоми сифатида талқин этилган. Чунончи Алишер Навоий фикрича, “Ул ҳазратнинг нури қадимиятидаким зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржға интиқол етти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳға етти”. Иккинчиси, “менг” ва Билол масаласи бўлиб, бу тасвир мумтоз шеъриятда ғоят дилбар топилмалар сирасига қиради. Энг муҳими қора хол ва Билол муносабати туркий шеъриятда биринчилардан бўлиб Атойи томонидан ташбиҳ этилганлигидир. Манбаларда Билол Ҳабаший биринчи муаззин деб таъриф қилинади. Ривоятда келтирилишича, жаннат хурлари охир замонгача ўзларига оро берар эканлар. Бу зеб охир замонга келиб ниҳоясига етар экану, лекин хол масаласида камчилик қолар экан. Шу замон Билолнинг қоралиги жаннат хурларга нуқта - нуқта қилиб бўлиб берилар экан. Шу билан улар гўзаллиги камолга етар экан. Бу ҳолат шоир шеъриятида худди “нур” ўз асли Мустафода намоён бўлиб, нубувват камолга етгандек тамсилни вужудга келтиради.

Хуллас, шу тарихи Атойи шеърияти бадииятига хос хусусиятлар бир дунё саналади. Уларни бугунги истиклол адабий – эстетик қарашлари руҳида таҳлил этиш илм ва замон талабидир. Бу фақат шоир шеърияти олами жозибадорлигини илғаб олиш нуқтаи назаридангина эмас, балки умуман мумтоз бадиий тафаккур сарҳадларини борица ҳис этишда муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009 йил.
2. Атойи. Девон. – Тошкент: “Фан”, 2008 йил, 319 бет.
3. Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. O‘n jildlik. – Toshkent: O‘zbekiston Matbuot va axbarot agentligi G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uyi, 2012 yil



4. Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 йил, 782 бет.

5. Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат (Атойит поэтик маҳорати). – Тошкент: “Фан”, 1995. – 154 б.

Кобилов У. Интерпретация деталей и художественных образов в лирике Атаи. *Статья посвящена исследованию художественных образов в поэзии Мавлана Атаи, одного из представителей тюрко-узбекской литературы. В статье раскрыто отражение интерпретации образы пророков, а также художественные образы и детали, определяющие символично-метафорическое изображение в лирике поэта. Вместе с тем, с новой точки зрения проанализировано поэтическое мастерство Атаи, своеобразный стиль, созданные поэтом, оригинальные уподобления.*

Kabilov U. Interpretation of details and artistic images in the lyrics of Atai. *The article is devoted to investigation of the artistic images in the poetry of MawlanaAtaim, one of the representatives of the Turkic-Uzbek literature. The article discloses the interpretation of the reflection images of prophets and artistic images, and details of defining symbolic and metaphoric images in the lyrics of the poet. At the same time, with a new point of view are analyzed poetic skills of Atai, his original style and assimilation.*



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ЮРАК” КОНЦЕПТИНИНГ ВЕРБАЛЛАШУВИ

Мардиев Тўлқин,

СамДЧТИ мустақил тадқиқотчиси

Калит сўзлар: вербал, ментал, туйғу, қалб, кўнгил, юрак, дил, қадрият, концепт, ҳис-туйғу, метаномик

Маълумки, ўзбек ва инглиз тили бадиий матнларида юрак концептига хос ментал маънолар “қалб, кўнгил, дил” каби лексема орқали ҳам ифодаланади. Юрак лексемасида инсон туйғулари жойлашган ўрни, инглизча **dearheart** мурожаатидаги метаномик-маъно кўчирилиши; инсонга маълум даражада мойиллик, ҳамдардлик билдириш, қайғуга шерик бўлиш; ҳаётини муҳим ёки ундан ҳам қимматроқ тушунчаларга, матонат ва жасорат каби инсоний туйғуларга эга бўлган қадриятлар вербал маънолар ифодаланади. *I know Marianne's heart: I know that she dearly loves me, and that I shall not be the last to whom the affair is made known, when circumstances make the revelation of it eligible.* [8, 124]

Ўзбек тили бадиий матнларида **юрак** концептига хос ментал маънолар инглиз тилидан фарқли равишда “қалб, кўнгил, дил” каби лексемалар орқали ҳам ифодаланади: “Мулк соҳиби” бўлишдан кўра **кўнгил** соҳиби бўлиш шарофати ҳақида мумтоз адабий меросимизда ибратомуз фикрлар, вербал ҳис-туйғулар жуда кўп.

“Инсон дилини англаш, унга меҳр бериш, самимий тилаклар изҳор этиш илинжи шарқ адабиётида улуғланиб таърифланган, чунки **қалбга** йўл топилмаса барча соҳаларнинг ривожини, жамият тараққиёти ҳақидаги сўз пучга айланади. Шунинг учун инсоннинг онгу шуури, **қалбг**ина улуғ ва қутлуғ ишларга кодир”. Кўриниб турибдики, ушбу матнларда инсон **қалби, дили** лексемалари **юрак** концепти ментал маъноларига мос

келади ва инсон ҳис-туйғусига хос вербал қадриятларни ифодалаб келади.

Ушбу ўринда биринчи Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ҳам **қалб** лексемасини қўллаб, ўз асарида **қалб** сўзини инсон руҳиятидаги **юрак** концептининг эквиваленти сифтида **қалб** лексемасини қўллаган. Масалан, “Ободлик қалбдан бошланади” деган ҳикматли фикрни ҳам айтган [3, 2].

Ушбу ҳикматли фикрнинг моҳияти бевосита инсон орқали очилади. Чунки, гап **қалб** ҳақида борар экан, бевосита **қалб эгаси** бўлган инсон тақдири унинг ҳаёти, жамиятда тутган ўрни, мавқеи, жамиятдан нима олаётгани-ю, нима бераётгани хусусида боради. Дарҳақиқат, **қалби тоза** инсон яратувчанлик иши билан шуғулланади. **Қалби кўркем** одам ҳаётни яна ҳам гўзаллаштиришга интилади. **Қалби обод** одам, энг аввало, уйини, қишлоғини ёки маҳалласини, қолаверса юртини обод қилади. ... Барчамизга аёнки, инсон **қалбига йўл**, аввало, таълим-тарбиядан бошланади [3, 130].

Ушбу қайд этилган матнларда **қалб эгаси, қалбига йўл, қалби тоза, қалби кўркем, қалби обод** каби бирикмалар аслан инсон организмни ифодалайдиган **юрак** эквиваленти ёки синоними сифатида вербаллашиб келган. Ушбу инсонга хос кўнгилдаги ментал туйғуда ўзаро тушуниш, бир-бирини англаш маъносида қўлланилиши мумкин. Чунки, баъзан бир маконда яшаб бир жамиятда ишласак-да, ўзаро бир-биримизни тушунмасдан **дил хираликка** йўл қўямиз. Бунинг сабаби ҳар кимнинг характери, савияси, диди ҳар хил



бўлгани учун, ўзига яраша муомалани талаб қилади. Бунинг учун юқорида айтилганидек, **инсон қалбини** англаб, укиб, унинг ўзига хос муомалани талаб қиладики, шу орқали унинг **қалбига, юрагига** кириш мумкин. Ушбу ўринда шоирнинг куйидаги тўртлиги эсга келади:

Қолмади одамзод кирмаган гўша,

Еру кўкда, сувда ҳозир ҳамиша.

Оҳ, гоҳида ёнма-ён турару инсон,

Бир-бирининг **қалбига киролмай** сарсон [4, 6].

Ёки **қалбга йўл** маърифатдан бошланади дейилган ҳикмат бор.

Демак, юқоридаги айтилганлардан кўришиб турибдики **қалб, кўнгил** каби лексемаларнинг ментал маъноларида **юрак** концептининг хусусиятлари тўлиқ акс этади. Бу лексемалар ўрнида юрак сўзини бемалол қўллаш мумкин. Халқнинг тилида “Дил-қулф, тил-калит” деган ҳикматли сўз бор. Бу ҳақда тилшунос Жуманиёзов Раҳимбой шундай деб ёзади. “Қулфлоглик эшикни очиш мушкул. Ҳарчанд киришга уринманг, бефойда. Бировга тушадиган калит иккинчисига тўғри келмайди. Ҳар бирининг ўз очқичи мавжуд, “тишлари” бошқача. Одамзод **қалби** ҳам шунга монанд. Ҳар бири ўз диди, савияси, билими, фикрлаш ва яшаш тарзи ҳамда дунёқараши билан ажралиб туради. **Кўнгил** кулфига мосу хос очқич бу инсоннинг сўзи, нутқнинг хулқидир”. Ҳазрат Навоий “**Кўнгил** хазинаси кулфи тил, калити сўз” деганларида юқоридаги фикрга ишора қилганлар.

Демак, тил калит бўлса, **дил** кулф, шундай экан ҳар қандай кулфга ҳар қандай калит тушавермайди. Бу дегани тилингиз **дили**нгизга, **дили**нгиз дилингизга мос бўлсагина марра сизники. Лекин уларнинг ўзига хос мантиқий маъноси ҳам мавжуд. **Юрагимга** яқин, **кўнглимга** яқин, **дилимга, қалбимга** яқин каби, масалан:

-**юрак** ботирда ҳам бир бўлак, кўрқоқда ҳам.

-**юракда** бўлса, билакка чиқади каби.

Ушбу мисолларда **юрак, қалб, дил, кўнгил** каби лексемалар семантик

жихатдан бир-бирига мос келади ёки ўхшашдир. Улар бир-бирининг ўрнида қўлланилиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг ўзига хос фарқли семантик маънолари ҳам бор. Кўпинча уларни бир-бири ўрнида қўллаганда ғализлик сезилади. Чунончи, **қалб** ёки **дил** лексемаларини кўп ҳолларда қўллаб бўлмайди.

Ўзбек тилидаги паремиологик луғатларда **юракка** хос туйғу-хислатлар бўйича ҳам маълум даражада ўрин ажратилганлигини кузатиш мумкин. Улардаги вербал ва қадрият маънолари ҳам акс этган. Масалан, “*Юракнинг қулоғи бор. Юраги тўлганнинг йиғиси кўп. Юраги қоранинг юзи қора. Юрак ботирда ҳам бир бўлак, кўрқоқда ҳам. Юракда бўлса, билакка чиқади. Юракдан – оҳ, кўздан – ёш. Юрак тоза – тилак тоза. Юрак юракка дарак беради*” кабилар шулар жумласидандир [2, 241].

Ўзбек бадий адабиётида **юрак** лексемасининг ўзи ҳам кўп ҳолларда вербаллашган ҳолда қўлланилганини кузатиш мумкин: “Айби йўқ ўғлим, - деди, - муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган **юрак гавҳаридир** (27-б.), Икки жон, икки **юрак** гўёки битгадек бир-бирисини англа, бирисидан-бирисига ўтиб юрар эди шу вақт [1, 151]. Кўпол гапириб юрганим учун тилимни тишладим, лекин юрагим яна гуриллаб ёнди [1, 26]. ... “**юрак амри** билан” деган хабарда Муборакхонни хўп мактагандан кейин хўжалик она-болага бировнинг ҳовлисидан жой берди [1, 55].юрагимни кимга бўшатишни билмаганим учун бу гапни айтаётганим йўқ [1, 58]. Юрак бадий матнларда ўз маъносида, яъни инсон организм маъносига хос тарзда ҳам вербаллашади: кинидан чиккудек бўлиб ураётган юраги аста-секин тинчланиб, ўзини босиб олди [5, 71]. Юқорида қайд этилганидек, юрак лексемасида инсон туйғулари концептуал белгилари кўп бўлиб, инглиз ва ўзбек тилларида шундан тўрттаси кенг қўлланилади: а) физиологик орган сифатида тушунилиш; б) инсон туйғулари



мажмуи; в) инсонга хос туйғусининг муҳим марказий қисми; г) юракнинг рамзий тасвири кабилар.

Бундай концептуал белгилар бадий адабиёт матнларида учрайди: “Юрагида сирқираган оғриқ азоби нечоғли кучли бўлмасин, у ўзини хотиржам тутишга уринди (52-б.). Ҳар нарса юрагини сиқаркан (12-б.), ...жавобсиз саволлар раиснинг юрагига яна оғриқ туширди (14-б.). Йўталсангиз юракка оғриқ тушади-ку, акам, духтирлар нима деркан?” (71-б.) [5, 12-71].

Инсон туйғулари концептуал белгиларнинг луғатларда изоҳланиши ёки **heart** ва **юрак** лексемаларининг семантикаси инглиз ва ўзбек тилларида кенгроқ таснифланган. **Heart** ва **юрак** лексемалари семантикасида аслида юракнинг қонни ҳайдайдиган ва ҳис-туйғуларни туғдирувчи органи сифатида тасаввур қилиниши ҳисобланса-да, инглиз тилида **heart** лексемасининг семантикаси инсон қалбида кечаётган ҳаяжонли ҳолатларни ифодалаб келишда намоён бўлади. Масалан, *If you knew what a consolation it was to me to relieve my heart speaking to you of what I am always thinking*

of every moment of my life, your compassion would make you overlook every thing else I am sure.’ [8, 215].

Ўзбек халқ тилида ҳам бу маъно қуйидагича ифодаланади: “Юрагим такка тортиб кетди, ёки юрагим қисилиб кетди. Юрагим шув этиб кетди” ибораларида физиологик орган маъноси ҳам англашилади. Ўзбек тили бадий адабиётида ҳам бундай мисолларни учратиш мумкин. Масалан, “Уларнинг отлари минг фарсангдан ортиқ йўл боссаям ҳали толиқмаган ва шамолдек учкур, қиличлари олмосдек ўткир, юракларига кўқув тушмаган эди”, ... от кўйиб келаётган чопарни кўриб, юрагига гулгула тушди [6, 12-63].

Хуллас, юрак туйғусида ҳам дўстлик, муҳаббат, бахт каби туйғуларга яқин маънолар мавжуд. Таъкидлаш керакки, ўзбек тилида қалб ва юрак бир хил маъно, яъни синонимик хусусиятни англатса-да, бари-бир бу икки шакл маъносида фарқ бор. Манбаларнинг тасдиқлашича, қалб инсоннинг ички ҳаётига, юрак эса эмоция ва туйғуларга жавоб беради.

Адабиётлар:

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар.-Т.: “Ғафур Ғулом”, 1994.
2. Бердиёров Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати.-Т.: “Ўқитувчи”, 1984, 241-б.
3. И.А.Каримов «Юксак маънавият - енгилмас куч» 130 бет.
4. Жуманиёзов Р. Муомала маданияти 5 б.
5. Нуриддин Исмоилов. Муҳаббат ва нафрат.-Т.: “Ғафур Ғулом”, 2013.
6. Хуршид Даврон.-Т.: “Шарқ”, 2006.
7. Халқ сўзи газетаси .2014.
8. *Jane Austen “Sense and Sensibility”*. www.Planetpdf.com.

Мардиев Т. Вербализация концепта «сердца» в английском и узбекском языках. В данной статье представлены и проанализированы выражения лексемы «сердце» в синонимическом ряду, её вербализация в ментальном значении, в пословицах, поговорках, а также в художественной литературе на английском и узбекском языках.

Mardiev T. Verbalization theconcept “heart” in English and Uzbek languages. This article refers to some discussions of the expression of the lexical unit “heart” in the synonymic row, its verbalization in mental meaning relative to human feeling in English and Uzbek proverbs and fiction texts.



ПРОБЛЕМА ОПРЕДЕЛЕНИЯ СТЕПЕНИ ОВЛАДЕНИЯ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИМ АСПЕКТОМ ЯЗЫКА

Зияева Севара,

кандидат филологических наук, доцент

Узбекский государственный университет мировых языков

Ключевые слова: *социолингвистический аспект языка, степень знания, функционирование языка, социально окрашенная лексика, социально-коммуникативный контекст, социолингвистическая парадигма.*

Общеупотребительный аспект функционирования языковых единиц является первостепенным объектом обучения в филологических вузах. Однако, как показывает опыт, такой подход к обучению языков не полностью оправдывает себя, когда дело касается построения речи на изучаемом языке при контакте с носителями данного языка как родного в различных социально-коммуникативных контекстах.

Построение иноязычной речи при контакте с носителями данного языка как родного в различных социально-коммуникативных контекстах предполагает наличие умений обнаруживать отклонения от общеупотребительных норм в речи на иностранном языке, выявлять их причины возникновения и оценивать уместность их использования в том или ином социально-коммуникативном контексте.

Это обстоятельство обуславливает нарастающую необходимость обучения социолингвистическому аспекту языка, который проявляется при употреблении в речи социально окрашенной лексики, свидетельствующей о взаимоотношениях говорящих, обусловленных их гендерно-возрастными, статусно-ролевыми и т.п. характеристиками.

При обучении социолингвистическому аспекту языка преследуется цель научить индивида правильно, сообразно социально-коммуникативному контексту строить речь с использованием оправданной в ней социально окрашенной лексики, что

предопределяет овладение следующими составляющими:

- особенности применения языковых единиц сообразно социально-коммуникативному контексту;
- адекватное определение коммуникативных задач и темы общения;
- адекватное определение социальной роли;
- учет тональности регистра и др.

Социально окрашенные языковые единицы – это лексика, выражающая:

- социальные взаимоотношения говорящих;
- их статус;
- возрастную категорию;
- гендерную принадлежность;
- социально-психологическую дистанцию; и т.п.

Каждый социально-коммуникативный контекст иноязычной речи навязывает говорящему на нем актуализацию конкретных социально окрашенных единиц языка. Набор данных единиц называется социолингвистической парадигмой.

Социолингвистическая парадигма формируется по-разному в неидентично заданной или сложившейся ситуативной обстановке или коммуникативном контексте, с неадекватными условиями протекания речи. Особую значимость приобретают статусно-ролевые параметры и вытекающая из них психологическая дистанция.

Итак, набор социально окрашенной лексики в социолингвистической парадигме обуславливается социально-биологическими (физиологическими)



факторами, которые предполагают выбор конкретных лексем, образующих в заданном контексте портрет представителей социолектов.

Адекватная реализация социолингвистической парадигмы, предписываемой заданным контекстом, возможна при условии правильного их определения и выбора соответствующих средств выражения.

Существуют три технологические составляющие, необходимые при обучении социолингвистическому аспекту языка:

1. Информационно-ресурсная, базирующаяся на аутентичных текстах; отобранных с учетом функциональности (соответствия изучаемой теме, востребованность и новизна информации, соответствие интересам обучающихся), соответствия ситуации и паллиативности.

Аутентичность дидактических средств способствует накоплению информации о социумах, сравнению социально-культурных ценностей с реалиями родной страны, приближает студентов к подлинным ситуациям реализации языка, формирует познавательный интерес.

2. Интерактивная, вбирающая в себя предусматривающие «коммуникативную направленность, интерактивность, опору на межпредметные связи, развитие способности личности к самоорганизации, самоподготовке и саморазвитию» (2, 15) задания по аутентичным текстам, которые делятся на:

1) ознакомительные: студенты знакомятся с неизученной социально окрашенной лексикой и осуществляют ее первичную обработку;

2) тренировочные: обучающиеся наблюдают за особенностями функционирования социально окрашенной лексики в аудиовизуальных текстах;

3) креативные: обучающиеся активно вводят в свою речь данные аудиовизуальных текстов (2, 17).

3. Диагностическая, представленная тестовыми заданиями, заданиями на интерактивность, рефлексивность.

Критерии определения степени овладения социолингвистическим аспектом языка основываются на четырех компонентах изучаемой компетенции:

1) лингвопрагматического: умение строить иноязычную речь, понимать речь партнера, влиять на ход беседы и регулировать его;

2) языкового: понимание социально окрашенной лексики, применяемой в той или иной социально-коммуникативной ситуации;

3) ситуативного (экстралингвистического): идентично воспринимать ситуативную речь;

4) социально-статусного: варьировать речь соответствующими социолингвистическими переменными (3).

Критерии определения степени овладения социолингвистическим аспектом языка подразделяются на следующие:

1. Мотивационный, свидетельствующий о выработке у студентов позитивной позиции относительно как изучаемого языка, так и его носителей.

2. Когнитивный, заключающийся в овладении студентами необходимыми фоновыми и нефоновыми сведениями о языке.

3. Коммуникативный, характеризующий умение студентов решать коммуникативные задачи.

4. Личностный, указывающий на развитость профессиональных и культурно-нравственных черт (4).

Студенты, по мнению Н.А. Беленюк, должны уметь ориентироваться в ситуации общения (тональность общения, способ общения, место общения, коммуникативная цель и намерение), строить речь сообразно модели речевого поведения носителей языка в аналогичной ситуации; верно определять коммуникативные цели и намерения партнеров общения и уместно



использовать формулы речевого общения (1, 18-19).

Определение степени овладения социолингвистическим аспектом языка может осуществляться и по умениям:

1) устанавливать в процессе общения уважительное отношение к социальным ценностям носителей иностранного языка;

2) правильно интерпретировать их социокультурные особенности;

3) осуществлять уместный в данной ситуации выбор языковых средств;

4) выбирать соответствующую ситуации стратегию поведения;

5) самостоятельно контролировать и повышать уровень компетенции (2, 14).

Из вышеизложенного следует, что овладение социолингвистическим аспектом языка достигается путем выработки способностей правильно, сообразно социально-коммуникативному контексту строить речь с применением оправданной в нем социально окрашенной лексики, развития умения выявлять специфику организации социально обусловленной иноязычной речи и выбирать соответствующую социально-коммуникативному контексту социолингвистическую парадигму.

Литература:

1. Беленюк Н.А. Формирование социолингвистической компетенции студентов младших курсов технического вуза в процессе обучения устному общению (английский язык, базовый курс): Дисс. ...канд. пед. наук. – Ярославль, 2008. – 164 с.

2. Бобрикова О.С. Формирование социолингвистической компетенции будущих переводчиков: Автореф. дисс. ...канд. пед. наук. – Тула, 2014. – 25 с.

3. Густомясова Т.И. Методика формирования социолингвистической компетенции студентов на материале E-mail-проектов: Дисс. ...канд. пед. наук. – Волгоград, 2010. – 217 с. // Электронный ресурс: <http://www.dissercat.com/content/metodika-formirovaniya-otsiolingvisticheskoi-kompetentsii-studentov-na-materiale-e-mail-pro>.

4. Пучкова Ю.Л. Формирование социолингвистической компетенции будущих специалистов сферы туризма и сервиса в условиях высшего профессионального образования: Дисс. ...канд. пед. наук. – Чита, 2011. – 208 с. // Электронный ресурс: <http://www.dissercat.com/content/formirovanie-sotsiolingvisticheskoi-kompetentnosti-budushchikh-spetsialistov-sfery-turizma-i>.

Зияева С. Тилнинг ижтимоий тилишунослик масалалари билан яшаш шароитларини аниқлаш муаммолари. Мақолада тилнинг социолингвистик аспектини ўргатиш муаммоси кўриб чиқилади. Мулоқотнинг социал-коммуникатив контексти сўзлашувчиларнинг ўзаро алоқалари, жинси, ёши, мавқеи ва ижтимоий роли каби таснифларини ақс эттирувчи ижтимоий бўёққа эга лексикани қўллашни тақозо этади. Ушбу таснифларни билиш даражаси тилнинг социолингвистик аспектини эгаллаш даражасини белгилайди.

Ziyayeva S. Issue of definition of sociolinguistic skills acquisition level. The article considers the problem of learning sociolinguistic aspect of the language. Socio-communicative context of the communication determines the use of social vocabulary with emotional value that reflects the relationship of the speakers by their gender and age, status and role, and other characteristics. The level of knowledge of these characteristics determines the degree of mastery of the sociolinguistic aspect of the language.



ИНГЛИЗ ТИЛИДА “ЕҒЕ-КЎЗ” СЕМАСИГА ЭҒА БЎЛГАН СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Шокиров Шерали,

Андижон давлат университети тадқиқотчиси

Калит сўзлар: *концепт, инструмент (восита), эстетик, маркер, метафорик моделлар, метонимик моделлар.*

Маълумки, дунёни билиш жараёнида тафаккур тизими билан тил тизими бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирининг мавжуд бўлишини тақозо этадиган ҳодисалар сифатида юзага чиқади. Таниқли рус тилшуноси С.Д. Кацнельсоннинг таъбири билан айтганда, “тафаккур тизими тил тизими томонидан такрорланади, тафаккур тизимининг асосий структурал хусусиятларини такрорласа ҳам ундан моҳиятан (кескин) фарқ қилади” [2: 471].

Атроф-муҳитдаги реал дунёни билиш жараёнида инсонда ўша атрофдаги нарса ва ҳодисаларни таниш (тушуниш) ва улар ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақида тасаввур (концепт) ҳосил бўлади. Инсоннинг дунёни билиши жараёнида концептларнинг шаклланиши инсон сезги органларининг, унинг асаб тизими ва мияси ҳамкорлигидаги фаолияти натижасида ҳосил бўладиган туйғу асосида инсон онгида бизни ўраб турган борлиқнинг субъектив образи тарзида рўй беради.

Ҳозирги тилшуносликнинг предмети, мақсади, изланиш методлари ва уларнинг йўналишларини англаувчи асосий координатлари кесишадиган марказ – инсондир. Бунда ҳар қандай лисоний характердаги тадқиқот “инсон омили” тамойили асосида амалга оширилади. Дунёни билишни инсон ўзидан бошлайди, бошқача айтганда, тадқиқот антропонимик йўналишда амалга ошади. Бунда асосий ролни “соматизм”лар – инсон тана аъзоларининг номлари, соматик таркибли фразеологизмлар фаол иштирок этадилар.

Сезги органлари ичида кўз энг муҳим вазифа – кўриш вазифасини бажаради. У инсонга атроф-муҳитни

кўриш, ташқи оламни туйиш ва унда ўз ўрнини топиб юриш имконини беради. Бундан ташқари, кўз жисмоний объект, яъни ўз шаклига, сонига (жуфт) ва ўз ҳаракатланиш хусусиятига эга бўлган инсон танасининг ташқи аъзоси сифатида тасаввур ҳосил қилади.

Инглиз тилидаги “Eyes” лексемасига луғатларда берилган таърифларга эътибор берамиз:

- “eye - an organ of sight in human or other animals” (*инсон ва ҳайвонларга берилган кўриш органи*) [4: 506];
- “the organ of sight; in vertebrate, one of a pair of spherical bodies contained in an orbit of the skull, along with its associated structures” (*умуртқали жониворлардаги кўриш органи - махсус компонентлари билан бирга бош суягидаги махсус уяларга жойлаштирилган соққа шаклидаги жуфт аъзо*). [6: 238].

Берилган таърифларга кўшимча тарзда яна бир луғат маълумотларини кўшиш мумкин [5]:

- b. The external, visible portion of this organ together with its associated structures, especially the eyelids, eyelashes, and eyebrows (*Қош, қовоқ, киприк каби зарур элементлар қўришдаги кўриниб турадиган ташқи орган*);

- c. The pigmented iris of this organ (*Ушбу органнинг рангдор думалоқ қисми (кўз қорачиги)*).

Бундан ташқари, кўзни шаклига кўра кенг ёки қисқ тарзда таърифлаш мумкин. Бу эса инсон сезгисининг қоришиқ характерда эканидан далолат беради.

Юқорида зикр этилган таърифларнинг биринчисида кўзни умуртқали жониворларнинг кўриш органи



сифатида характерлайди. Иккинчи таърифда эса кўз олмаси (соққаси)га қош, ковок, киприк каби ёрдамчи компонентларни ҳам кўшаяпти, учинчисида эса кўзнинг рангдор пардасига урғу берилаяпти.

Кўпинча сўзловчининг диққат марказида кўзнинг ташки кўриниши туради:

• кўз ранги (*black-eyed, blue-eyed, brown-eyed, grey-eyed, hazel-eyed, amber eyes, green eyes; eyes as black as coals, eyes of a faded china blue*): “*And her eyes . . . Richard realized that he could not tell what color her eyes were. They were not blue, or green, or brown, or gray; they reminded him of fire opals: there were burning greens and blues, and even reds and yellows that vanished and glinted as she moved*” [10].

• товланиши (*bright-eyed; brilliant eyes, shining eyes, sparkling eyes*);

• шакли, ҳажми (*almond-eyed, beady-eyed, big-eyed; large eyes, little eyes, narrow eyes, oblong eyes*);

• тузилиши (*heavy-lidded, hollow, hooded, sunken, protuberant*), жойлашуви (*close-set, wide-apart, wide-set, deep/deep-set*).

Қолган ҳолларда ушбу аъзо бажарадиган вазифа - кўришга эътибор қилинади: *hawk-eyed; keen eyes, near-sighted eyes, weak eyes*.

Бундан ташқари кўз маълум касб эгаларининг узоқ муддат натижасида чиникқан, тажрибали кўзини ҳам англатиши мумкин. Масалан: “*Sergeant Major Breckenridge walked down the double line of Marines, and his long practiced eyes didn't miss a thing*” [13]; “*To Arthur's eyes he suddenly looked very alien*” [9].

Зийрак, ҳаракатчан кўзлар ҳам киши диққатини ўзига тортади:

• *dilate, fly open, grow wide, open, round, widen* (*Her eyes dilated with horror at what she had done. Her eyes flew open in surprise. His eyes rounded in mock amazement*);

• *dart, flick, flicker, flit, glance, go, leap, move, run, shift* (*His eyes darted from face to face*);

• *roll, swivel* (*She tried the door, her eyes rolling in panic*); *dance* (*Her eyes danced with amusement*);

• *roam, rove* (*He let his eyes roam round the scene.*);

• *drift, slide, slip, stray, wander* (*His eyes drifted over to Helen's chair*). [3: 285 -286].

Ушбу бирикмалар метафорик, яъни кўчма маънода қўлланилган феълларни ўз ичига олган. Ҳамиша ўйнаб турадиган, лекин ўзи қидираётган нарсага тушиши билан ундан кўз узмайдиган ҳолат англашилаёпти. (*to fall on sb/sth, to settle on sb/sth, to fasten on sb/sth, to fix on sb/sth, to focus on sb/sth*).

Бундай ҳолларда кўз кўриш органи сифатидагина эмас, балки инсонга ташки оламни тўлақонли тарзда билиб олиши, туйишида ўзига хос инструмент (восита) вазифасини бажараяпти.

Кўзнинг қуйидаги хусусиятларини ҳам таъкидлаш лозимдек кўринади:

• инсоннинг жисмоний ҳолатини ифодалайди - *blear-eyed, boss-eyed, cross-eyed, tired eyes, tear-reddened eyes, watery eyes*;

• кишининг эмоционал ҳолати ва у бошдан кечираётган ҳис-ҳаяжонни ифодалайди - *cold-eyed, evil-eyed, fire-eyed; expressive eyes, fierce eyes, frightened eyes, happy eyes, hopeful eyes, laughing eyes, loving eyes*;

• инсон характери ни белгиловчи маркер сифатида юзага чиқади - *cunning eyes, curious eyes, honest eyes, greedy eyes, kind eyes, sly eyes*;

• инсон ақлий қобилиятини кўрсатувчи индикатор вазифасини ҳам бажаради - *intelligent eyes, keen eyes, sharp eyes, shrewd eyes, mad eyes, stupid eyes*;

• эстетик нуқтаи назардан кишини баҳолаб бериш хусусиятига ҳам эга - *beautiful eyes, fine eyes, unattractive eyes*;

• инсонга маънавий ва жисмоний зарар етказиш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин - *to give sb the evil eye* (кўзланибди, кўз тегинти каби);

• бошқа кишига овозсиз, кўз ишораси орқали яширинча маълумот етказиб бериш воситаси сифатида ҳам қўлланилади: “*A hand-lettered sign hung from a piece of*



frayed string around his neck <...> telling anyone with his eyes to read it that he was homeless and tired [10]; *“Gary appraised Richard with frank eyes”* [N]; *“Love you, he said with his lips <...>. Her eyes answered”* [8];

• ўз фикрини яшириш воситаси сифатида қўлланиши мумкин: *“His blue eyes glinted with something completely unidentifiable”* [9]; *“What’s behind those eyes? Jack wondered again”* [8].

“Eyes” семасига эга бўлган лексемалар *to mirror sth, to reflect sth* каби феъллар билан қўлланилганда кўчма маънода қўлланилиб “кўз – ташқи оламни кўрсатадиган дераза (туркиш)”, “кўз – ойна” каби метафорик моделлар ҳосил қилади. М.: *His eyes reflected his anguish*. Бундай моделларни айрим мақол ва маталларда ҳам учратиш мумкин: *The eyes are the window of the soul; A friend’s eye is a good mirror*.

The eye is the pearl of the face – (Кўз инсон юзининг гавҳаридир) мақолида эса “кўз – гавҳар” метафорик модели қўлланган.

Ушбу мисолларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, инглиз тилида “eyes-” семасига эга бўлган сўзлар инсоннинг ички ва ташқи дунёси ўртасидаги ўзига хос чегара ролини бажараяпти.

Кўзнинг икки хил (дуалистик) характери киши диққатини ўзига тортади. Инсон юзининг зарур компоненти сифатида уларда “предметлик” ва “муқим (ўзгармас)лик” хусусияти намоён бўлса, белги (кўрсаткич) сифатида “ўзгарувчанлик” ва “ифодалилик” хусусиятлари намоён бўлади [2: 309].

Кўзнинг бир ҳолатига қараб туриб инсон табиатини тушуниб олиш мумкин, иккинчи бир ҳолатига қараб унинг ҳиссиётларини ва умумий психик ҳолатини тушуниш мумкин.

Инсон кўзи у бошидан кечираётган илиқлик, ҳурмат, ғазаб, ёвузлик, бахт, саодат, умид, ишонч, безовталиқ, қўрқув, хафалиқ, маъюслиқ, қизиқувчанлик, самимийлик, олижаноблик каби кўплаб ҳиссиёт ва туйғу элементларини

ифодалаши мумкин. М.: *“Only one man stood and watched the sky, stood with terrible sadness in his eyes”* [9]; *“Ford rounded on Arthur with angry flash in his eyes”* (Ibid.); *“Hagrid looked at Harry with warmth and respect blazing in his eyes”* [11]; *“The Queen’s eyes flared with amusement”* [8].

“Кўз – сизим (идиш)” метафорик модели инсон тасаввурини чуқурлик ва кенглик ўлчамларига эга бўлган макон (объект) сифатида юзага чиқаради. Шу боис бу модель инглиз тилида ‘in’ предлоги билан қўлланади. М.: *“There were tears in his eyes as he spoke. The sun was in my eyes and I couldn’t see the road”* [6: 285 - 286].

Бундан ташқари инглиз тилида “кўз – ёруғлик манбаи” метафорик модели ҳам кенг қўлланилади. Ёруғлик инсоннинг ижобий ҳисларини ифодаласа, қоронғилиқ ёвузлик сингари салбий туйғуларни ифодалайди. ‘Eye’ лексемаси *be alight with sth, blaze, flare, flash, gleam, glint, glisten, glitter, glow, light up, shine, smoulder, spark, sparkle, twinkle* каби феъллар билан бирикканда бахт, мамнуният, муҳаббат туйғуларини ифодалайди. М.: *“She laughed, her eyes alight with excitement. His eyes blazed with menace”* [6: 285 - 286]; *“His blue eyes were light, bright, and sparkling behind half-moon spectacles”*; *“An old man was standing before him, his wide, pale eyes shining like moons through the gloom of the shop”* [11].

‘To darken’ феъли билан бирикканда эса мусибат, хафалиқ каби салбий туйғулар акс этади. М.: *“Tears welled up in Renata when she saw her friend’s deep anguish and the profound sorrow darkening her soft gray-blue eyes”* [11].

Метафорик моделлар билан бир қаторда инглиз тилида “кўз – инсон (одам)” типигади метонимик моделлар ҳам қўлланилади. М.: *“A hundred eyes turned, then, and stared at him: a hundred eyes, unblinking and unfriendly”* [10].

Юқорида зикр қилинган мулоҳазаларга таянган ҳолда таъкидлаш мумкинки, кўз инсон танасидаги фақат



кўриш органигина эмас, балки, у ўз ранги, товланиши, шакли, ҳажми ҳамда ўз ўрнига эга бўлган жисмоний объект бўлиб, у кишининг жисмоний ҳолати ва ҳис-

туйғуларини ифодаловчи муҳим соматизмлардан бири сифатида лисоний тадқиқот учун объект сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека / Н.Д. Арутюнова. 2-е изд., испр. М.: Яз. рус. культуры, 1999. 896 с. (Язык. Семиотика. Культура).
2. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: из научного наследия / С.Д. Кацнельсон. М.: Яз. славянской культуры, 2001. 864 с.
3. Oxford Collocations Dictionary for Students of English. Oxford: Oxford Univ. Press, 2003. XIII.897 p.
4. The Concise Oxford English Dictionary. Tenth Edition, revised. Oxford Univ. Press, 2002. XX. 1708 p.
5. The American Heritage Dictionary of the English Language [Electronic resource]. Boston: Houghton Mifflin, 2000. Fourth Ed. Режим доступа: <http://bartleby.com/61/>.
6. The New Webster's Encyclopedic Dictionary of the English Language. Gramercy Books. N.Y., 1997. 1008 p.
7. Bradford BT. The Women in His Life | BT. Bradford. N.Y.: BallantineBooks, 1991. 498 p.
8. Clancy T. Patriot Games. 1987 [Electronic resource] | T. Clancy. Режим доступа: http://arte-fact.lib.ru/library/books/clancy/Patriot_Games.zip.
9. Adams D. The Hitch Hikers's Guide to the Galaxy. 1979 [Electronic resource] | D. Adams. Режим доступа : http://artefact.lib.ru/library/books/adams/The_hitch_hikers_guide_to_the_galaxy.zip.
10. Gaiman N. Neverwhere, 1996 [Electronic resource] | N. Gaiman. Режим доступа: <http://ange-la.grahor.com/lavka/text/gaiman/never.zip>.
11. Rowling J. K. Harry Potter and the Sorcerer's Stone. 2001 [Electronic resource] | J. Rowling. Режим доступа: http://artefact.lib.ru/library/books/rowling/1_Harry_Potter_and_the_Sorcerers_Stone.rar.

Шокиров Ш. Семантические особенности слов английского языка с семой "eye-глаз". Статья посвящена исследованию характерных особенностей лексем "eye-кўз" в английском языке, их роль при передаче информации, а также их стилистические особенности.

Shokirov Sh. Semantic peculiarities of English words with "eye" component. The article studies the peculiarities of the lexeme 'eyes' in English, their role in the speech act as well as its stylistic features.



ЯЗЫК – СРЕДСТВО ОБЩЕНИЯ И ДИСЦИПЛИНА ИЗУЧЕНИЯ

Хожанова Урингул Смайиловна,

*преподаватель кафедры грамматики и истории английского языка
Узбекского государственного университета мировых языков*

Ключевые слова: язык, речь, речевая деятельность, языковой материал, статика, динамика, теория, практика.

Вступление

Язык как средство общения и дисциплина изучения является полиаспектным явлением, вбирающим в себя статические и динамические свойства.

Язык в качестве средства общения изучается как совокупность лингвистических дисциплин теоретического и практического характера.

В языке как в совокупности дисциплин изучения заложены его особенности как средства общения.

Таким образом, взаимосвязь и взаимозависимость языка как средства общения и языка как дисциплины изучения – тесная и логически последовательная.

Изучение языка как дисциплины имеет две стороны:

1) собственно теоретическое изучение, реализующееся в таких типах текстов, как монография, диссертация, статья и т.д.;

2) практическое изучение (лингводидактика и методика), реализующееся в таких типах текстов, как учебник, учебное пособие, учебно-методическое пособие и т.д.

